Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 87 (20. 654) • 1990 йил 14 апрель, шанба • Баҳоси 3 тийин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросида

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси ўзининг 12 апрель куни бўлиб ўтган мажлисида КПСС Марказий Комитетининг мамлакат коммунистларига «Принципиал негизда жипслашиш учун» мавзуидаги очиқ хати юзасидан қарор қабул қилди. Область, шаҳар, район партия комитетларига ҳисобот-сайлов конференцияларига тайёргарликдан фойдаланиб, ҳар бир партия ташкилоти учун мақсадга мувофиқ шаклда хат мазмунини барча коммунистлар билан муҳокама қилиш вазифаси топширилди. Жойларга энг яхши тарғиботчилар, партия ветеранлари ва фаоллари юборилсин. КПСС Марказий Комитетининг XXVIII съездга Ҳаракат дастури, КПСС Устави лойиҳалари юзасидан ўтказилаётган мунозаралар чоғида демократик, ўртоқларча ижодий руҳ сақлаб қолинсин. Партиядаги соғлом кучларни янада жипслаштиришга кўмаклашилсин. Айни пайтда баъзи коммунистларнинг социализмга, партияга зид позицияларидан қатъиян воз кечилсин. Бузғунчилик тарзидаги норасмий ҳаракатларда иштирок этаётган, КПСС ва Ўзбекистон Компартиясининг йўлига қарши чиқаётган партия аъзоларига нисбатан КПСС сафидан чиқаришгача ташкилий тусдаги чоралар кўрилсин.

Бюро мажлисида Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг район партия комитетларининг структурасини такомиллаштиришга оид ташаббуси маъқулланди. Шаҳар, район партия комитетларининг секретарлари иштирок этган муҳокама чоғида КПСС Марказий Комитетининг 1990 йил февраль ва март Пленумларининг қарорларига, уларда қабул қилинган ва партиянинг ижтимоий-сиёсий системадаги янги аҳамиятини белгилаб берувчи съездолди ҳужжатларига мувофиқ, партия комитетлари аппаратининг вазифаларини тубдан ўзгартириш кўзда тутилаётганлиги таъкидланди. Партия комитетининг асосий ишини сайлаб қўйиладиган фаоллар ва район комитетининг устун йўналишлар бўйича ташкил этиладиган комиссиялари зиммасига юклаш таклиф этилади. Ана шу комиссиялар ҳузурида асосий ишдан озод қилинган партия ходимларининг чоғроқ таркибдаги аппарати иш олиб боради. Уларнинг вазифаси сиёсий вазиятни таҳлил этиш ва олдиндан айтиб бериш, муҳим масалалар юзасидан партия қарорларини асослаш, партиявий иш услуб ва методларини такомиллаштиришга оид тавсияномалар ишлаб чиқиш, сиёсий қарорларни ташкилий ва мафкуравий жиҳатдан таъминлашдан иборат.

Марказий Комитет Бюроси область партия комитетларига Тошкент шаҳар партия комитетининг таклифларини, маҳаллий шарт-шароитни ва иш хусусиятини ҳисобга олиб, шаҳар ва район партия комитетлари структурасининг мақбул вариантини ишлаб чиқишни тавсия этди.

«Узхлопкопром» республика ишлаб чиқариш бирлашмаси корхоналарида валюта маблағларидан фойдаланишдаги катта камчиликлар тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Бирлашма системасига кирган пахта тозалаш заводлари тармоқ ва Ўзбекистон ССР собиқ Давлат агросаноат комитети раҳбариятининг назорат қилмаганлигидан фойдаланиб, ана шу маблағларни сарфлашда катта камчиликларга йўл қўйди. 1988-1989 йилларда меҳнат коллективларининг фикри ҳисобга олинмай, валютанинг асосий қисми енгил автомобиллар, микроавтобуслар, қиммат турадиган компьютерлар, видеомагнитофонлар сотиб олишга сарфланди. Айни пайтда маҳсулотни қайта ишловчи корхоналарни янгилашга маблағлар жуда кам сарфланди.

Республиканинг бошқа баъзи идораларида ҳам чет эл валютаси маблағларидан фойдаланишда жиддий камчиликлар бор, деб таъкидлашди Бюро аъзолари. Министрликлар, корхоналар, бирлашмаларнинг ташқи иқтисодий фаолияти тарқоқ ҳолда олиб борилмоқда, улар бозордаги аҳволни яхши билмайдилар, кўпинча фойдасиз шартномалар тузадилар. Шу муносабат билан белгиланган тартибда Давлат ташқи иқтисодий алоқалар комитетини тузиш ҳақида фикр билдирилди. Бу комитет Ўзбекистон ССРда бутун ташқи иқтисодий фаолиятни мувофиқлаштирган бўлур эди.

Бюро чет эл валютаси маблағларидан фойдаланишда кўпол бузилишларга йўл қўйган коммунист раҳбарлар ҳисобда турадиган партия комитетларига уларга нисбатан тегишли партиявий таъсир чоралари кўришни топширди. Партия ташкилотларига корхоналар ва бирлашмаларнинг валюта жамғармаси маблағларини сарфлаш масалаларини назоратга олиш, улардан аниқ мақсад йўлида қўлланиш вазифасини топширди .

Бюро мажлисида Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Ўзбекистон КП (б) Марказий Комитетининг 40-йиллар охири — 50-йиллар бошларида ВКП (б) Марказий Комитетининг «Звезда» ва «Ленинград» журналлари тўғрисидаги» қарори асосида қабул қилган баъзи қарорлари билан боғлиқ материалларни ўрганиш комиссияси тузилди (комиссия аъзоларининг рўйхати матбуотда эълон қилинади).

«Жиззах ҳақиқати», «Джизакская правда» область газеталари, айрим район газеталарини чиқаришни тиклаш ва баъзи вақтли нашрларнинг номини ўзгартиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Марказий Комитет Бюроси Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ижара муносабатларини, республика чорвачилигида фермерлик ва якка тартибдаги хўжаликларни янада ривожлантириш юзасидан қўшимча тадбирлар тўғрисидаги таклифига қўшилди.

Партия ташкилотларининг ташкилотчилик ва сиёсий фаолияти асосий йўналишларини белгилашда жамоат фикрини ҳисобга олиш, съездолди ҳисобот-сайлов кампаниясига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш даврида меҳнаткашларнинг мурожаатларини ўз вақтида ва тўла-тўкис кўриб чиқишга катта аҳамият бериб, Ўзбекистон Компартияси XXII съезди номига йўлланган хатлар ва шикоят аризаларини кўриб чиқиш тартибини белгилади.

Бюро мажлисида ижтимоий-сиёсий турмушга оид баъзи масалалар ҳам кўриб чиқилди.



КЎКЛАМ— МЕҲНАТ БИЛАН КЎРКАМ

УЙ-ЖОЙ МУАММОЛАРИГА КАТТА ЭЪТИБОР БЕРАЙЛИК

13 апрель куни Тошкентда уй-жойларни ҳисобга олиш ва тақсимлашдаги иш тажрибаларини алмашишга доир республика семинар-кенгаши очилди. Унда Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советларининг, область ижроия комитетлари, Тошкент шаҳар ижроия комитети, министрликлар ва идораларнинг вакиллари қатнашмоқдалар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Д. Д. Берков доклад қилди.

Семинар-кенгашда ҳукумат «Уй-жой — 2000» программасига энг муҳим ижтимоий вазифа деб қараётганлиги, уни рўёбга чиқариш учун жуда кўп иш қилиниши кераклиги таъкидланди. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, иккинчи минг йиллик бошларида Ўзбекистон аҳолиси 26,5 миллион киши атрофида бўлади, бунинг учун эса қарийб 5 миллион 700 мингта квартира талаб этилади. Ўн йил ичида республикада 2,5 миллионтадан кўпроқ квартира қуриш керак.

Айни вақтда уй-жой фондини қаттиқ ҳисобга олиш ва янги ҳамда бўшатиб олинаётган квартираларни тақсимлаш устидан назорат ўрнатиш керак. Партия ва совет органлари номига жуда кўплаб шикоятлар келмоқда. Уй-жой ажратилиши тартиби бузилишига йўл қўйилмоқда, кўпинча тегишли ҳужжатлари бўлмаган ҳамда уй-жой шароитлари етарли даражада текширилмаган гражданлар ҳисобга олинмоқда. Шаҳарлар ва районларда бўш квартиралар бор. Уй-жой фондидан баъзида кўзланган мақсадда фойдаланилмаяпти — улар турли идораларга бериб қўйилган.

(ЎзТАГ).

МЎЛ ҲОСИЛ ИШҚИДА

Кейинги йилларда деҳқонларнинг ерга бўлган муносабати ўзгарди. Буни ижара, оила пудрати сингари меҳнатнинг янги шакллари қарор топганлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин.

Шу туфайли далада ишловчиларнинг моддий манфаатдорлиги ошиб бораётир, заминга бўлган хўжайинлик туйғуси кучаяётир.

Буни Бекобод районидаги «Победа» колхози мисолида ҳам кўриш мумкин.

Оила пудрати асосида меҳнат қилаётган коллективлардан бирига Абдусалом Абдуғаппоров етакчилик қилаётир.

Суратларда: 1. Ака-ука Абдуғаппоровлар ерга барака уруғини қадашмоқда. 2. Бригадир Ражабали Раҳмонов.

Суратқаш А. МАЛЬЦЕВ.

ЯНГИ БЕДАЗОРЛАР

Жиззах районидаги «Коммунизм» совхозининг 1-агроучасткаси деҳқонлари мавжуд 115 гектардаги бедазорнинг ҳар гектарига 150 килограммдан суперфосфат солишди.

Парда Самандаров, Қудрат Норқўзиев сингари тажрибали сувчилар кунига 2,5—3 гектардан бедазорга обиҳаёт тарамоқдалар. Ҳозиргача 70 гектарлик бедазор суғорилди. Шу билан бирга хўжаликда янги бедазорлар яратишга ҳам алоҳида аҳамият берилаётир. Моҳир механизатор Маҳсуд Эгамбердиев беш иш кунида 57 гектар майдонга беда уруғини сепди.

М. АЛЛАЕВ.

ҚЎЗИЛАТИШ НАМУНАЛИ ЎТМОҚДА

Нурота райони хўжаликларида қўзилатиш мавсуми авжида.

Бу борада «Ғозғон» совхози қўйчивонлари пешқадамлик қилишмоқда. Бу йил хўжаликда 30 мингдан зиёд совлиқ қўзилайди. Шу кунгача салкам 20 минг совлиқ қўзилади. Уларнинг ҳар юз бошидан 102,9 тадан соғлом қўзи олинди.

«Нурота» давлат наслчилик заводи коллективи ҳам қўзилатиш мавсумини яхши ўтказмоқда. Мавжуд 41371 бош совлиқнинг 17,5 минг боши қўзилади. Ҳозиргача ҳар юз бош совлиқдан 104,7 тадан қўзи олинди. 14 мингдан зиёд қўзи ўстиришга қолдирилди. Ҳозиргача давлатга 4316 дона сифатли тери топширилди.

А. НОРБОЕВ, С. АБДУЛЛАЕВ.

БИРИНЧИ ПАРВАРИШ ТУГАЛЛАНДИ

Бахмал районидаги «Рассвет» совхози 2 гектар, «Партия XXIII съезди» совхози 2 гектар, Мичурин номли совхоз 2 гектар ерга кузда саримсоқ пиёз экган эди.

Ҳозир бу экин парвариши қизғин. Мичурин номли совхознинг 5 гектар ердаги эртаки карам кўчатлари ҳам яхши парвариш қилинмоқда. Райондаги «Сангзор», «Нурли қуёш», «Гулбулоқ» ва бошқа совхозларда 113 гектар ерга пиёз уруғи қадалди.

А. ЭРГАШЕВ.

ПУХТА ҲОЗИРЛИК

Поп районидаги Беруний номли совхоз пиллакорлари мавсумга пухта ҳозирлик кўришди.

Инкубаториялар шай ҳолга келтирилди. Тутзорлар яхши парвариш қилинмоқда. Айниқса, К. Исломқулов, Т. Эргашев бошлиқ бригадаларда бу иш яхши ташкил этилган. Бу коллективлар 55 кути қурт уруғидан пландаги 8 минг килограмм ўрнига 9 минг килограмм ҳосил олишга аҳд қилишди

Р. ҚУРБОНОВ.

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ

Ўзбекистон ССР ҳукуматининг таклифига биноан кооперация ишлари министри Б. Арифин бошчилигидаги Индонезия республикасининг делегацияси Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турибди. Сафардан мақсад — ипак қурти парвариш қилиш ва тайёр ипак ишлаб чиқариш технологияси билан батафсил танишишдан, бу борадаги ҳамкорлик йўлларини белгилашдан иборат.

13 апрель куни делегация аъзоларини Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси М. И. Иброҳимов қабул қилди. .

Меҳмонлар республика парламентининг фаолияти билан таништирилди. Ҳар иккала томон ўзаро фойдали ҳамкорликни мустаҳкамлаш истагини билдирди.

Суҳбатда Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри С. О. Азимов, Индонезия республикасининг Совет Иттифоқидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Я. Жани иштирок этдилар.

Шу куни меҳмонлар Ўрта Осиё ипакчилик илмий-тадқиқот институтида бўлдилар. Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар.

(ЎзТАГ).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

АЁЛЛАРНИНГ АҲВОЛИНИ ЯХШИЛАШ, ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ, ОИЛАНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ДОИР КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети оила, оналик ва болаликнинг энг ўткир муаммоларини қисқа муддатда ҳал этишга, кам таъминланган болали оилаларнинг ижтимоий муҳофазасини оширишга муҳим аҳамият бериб ва СССР халқ депутатлари биринчи Съезди қарорини бажариш юзасидан **қарор қилади:**

1. Болали оилаларнинг моддий аҳволини яхшилаш мақсадида:

1) қуйидагилар оширилсин:

бола бир ярим ёшга етгунга қадар унга қараб туришга давлат нафақаси миқдори — иш ҳақининг энг кам миқдори даражасигача (иккита ёки ундан кўп бола туғилганда нафақа ҳар бир болага тўланади). Бунда иш ҳақига район коэффициенти белгиланган районлар ва жойларда яшовчи ишлар учун нафақа миқдори ана шу коэффициентни қўлланиб белгиланади. Агар мазкур районда иш ҳақига турли коэффициентлар амал қилаётган бўлса, у ҳолда халқ хўжалигининг ноишлаб чиқариш тармоқларидаги ишчилар ва хизматчиларнинг иш ҳақига белгиланган коэффициентлар қўлланилади;

васийликдаги (васийликка олинган) болага давлат нафақасининг миқдори — иш ҳақининг энг кам миқдори даражасигача;

ҳақиқий ҳарбий хизматдаги ҳарбий хизматчилар болаларига давлат нафақаси миқдори — иш ҳақининг энг кам миқдори даражасигача;

болали ёлғиз оналар (бева аёллар ва бева эркаклар) болаларни тарбиялаши ва боқиши учун, болалар уйларининг (интернат мактабларнинг) собиқ тарбияланувчиларига тўланадиган . давлат нафақасининг миқдори — иш ҳақининг энг кам даражаси миқдоригача;

2) 18 ёшга етмаган ишловчи аёлларга болага қараш учун нафақа иш стажининг қанчалигидан қатъи назар, бола бир ярим ёшга етгунча тўлансин;

3) бир йиллик иш стажига эга бўлмаган ишлаётган аёлларга ва ишламаётган аёлларга болага қараш учун нафақа у бир ярим ёшга етгунга қадар иш ҳақи энг кам миқдорининг 50 фоизи миқдорида тўланиши белгилаб қўйилсин;

4) фарзандлари бўлган, аммо боқувчисидан маҳрум бўлганлиги муносабати билан уларга пенсия олмаётган беволарга амалдаги қонунларга мувофиқ беволарга тўланадиган давлат нафақасини олиш ҳуқуқи жорий этилсин.

2. СССР Министрлар Совети ВЦСПС билан биргаликда 1991 йил 1 январга қадар: оиланинг қандай тусдалигини, унинг даромадини ва турмуш қиймати индексини ҳисобга олиб, болали оилаларга давлат нафақаси тўлашнинг ягона системасини ишлаб чиқсин;

она касал бўлиб боласига қарай олмайдиган давр учун кичик ёшдаги (3 ёшгача) болаларга, ногирон болаларга қараш билан банд бўлган шахсларга меҳнат қобилиятини вақтинча йўқотганлик учун нафақа билан таъминлаш тартибини белгиласин.

3. Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советларига, халқ депутатлари ўлка, область, округ, район ва шаҳар Советларига улардаги мавжуд маблағ доирасида ССР Иттифоқининг амалдаги қонунларида болали оилалар учун кўзда тутилган нафақаларнинг ҳамма турларига нафақалар ва имтиёзларнинг қўшимча турларини жорий этиш ҳуқуқи берилсин, бу нафақалар ва имтиёзлар болали оилаларнинг, биринчи навбатда кўп болали оилаларнинг, ногирон болаларни, ота-онасининг қаровидан маҳрум бўлиб қолган болаларни тарбиялаётган онасиз ёки отасиз оилалар ва ёш оилаларнинг эҳтиёжларини яна ҳам тўлароқ қондирилишига қаратилиши лозим.

4. Амалдаги қонунларда болалар уйлари ва интернат мактабларидаги болаларнинг мазкур тоифалари учун белгилаб қўйилган имтиёзлар таълим-тарбия муассасаларида (уларнинг қандай тусдалиги ва қайси идорага бўйсунишидан қатъи назар) таълим олаётган барча етим болаларга ва ота-оналарининг қаровидан маҳрум бўлиб қолган болаларга жорий этилсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, давлат болалар муассасаларидаги болаларни сақлаш учун ота-оналардан ундириладиган маблағ, шунингдек болалар учун тайинланган давлат пенсиялари ва нафақалари тарбияланувчиларнинг омонат банкидаги шахсий счетига ўтказилади.

6. Ҳомиладор аёлларни диспансеризациядан ўтказишнинг, уларнинг саломатлиги ва янги туғилган чақалоқларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш самарадорлигини ошириш мақсадида белгилаб қўйилсинки, туғишга қадар бериладиган эллик олти кунлик (1990 йил 1 декабрдан бошлаб — етмиш кунлик) ҳомиладорлик отпускаси ҳамда туғишдан кейин бериладиган эллик олти кунлик (туғиш қийинлашган ҳолларда ёки икки ёхуд ундан кўп бола туғилганда — етмиш кунлик) отпуска аёлларга туғишгача амалда неча кундан фойдаланганидан қатъи назар ҳаммаси тўла қўшиб берилади.

7. Янги туғилган ва кичик болаларга қараш учун қулай шароит яратиш мақсадида:

1) белгилаб қўйилсинки, бола 3 ёшга етгунга қадар унга қараш учун отпуска боланинг онасига ёки оиланинг ихтиёрига қараб унинг отасига, бувисига, бобосига ёки ҳақиқатда болага қараётган бошқа қариндошларга тўла ёки бўлиб-бўлиб берилади;

2) хотинлари ҳомиладорлик ва туғиш отпускасида бўлган ишлаётган эркакларга ҳар йили бериладиган отпуска уларнинг истагига мувофиқ хотинларнинг отпускаси даврида берилсин.

8. Ота-оналарга ижтимоий ишлаб чиқаришдаги меҳнатни болаларни тарбиялаш билан қўшиб олиб боришга имкон берадиган қулай шароит яратиш мақсадида:

1) 14 ёшгача болалари бўлган (шу жумладан васийлигида шундай болалари бўлган) аёлларнинг илтимосига мувофиқ тўла бўлмаган иш куни ёки тўла бўлмаган иш ҳафтаси белгиласин;

2) 14 ёшгача бўлган болага (шу жумладан васийлигидаги болага) ёки 16 ёшгача бўлган ногирон болага қараб туриш муносабати билан бола мазкур ёшга етгандан кейин ишга кириш шарти билан меҳнат шартномаси бекор қилинган тақдирда вақтинча иш қобилиятини йўқотганларга бериладиган нафақани ҳисоблаб чиқиш учун аёлларнинг узлуксиз меҳнат стажи сақлаб қолинсин;

3) оналик муносабати билан аёлларга бериладиган имтиёзлар (тунги меҳнатнинг, ишдан кейин қолиб меҳнат қилишнинг чекланиши, дам олиш кунларида ишга жалб этиш ва командировкага юбориш чекланиши, қўшимча отпуска бериш, меҳнатнинг имтиёзли режимларини белгилаб қўйиш ҳамда амалдаги қонунларда белгилаб қўйилган бошқа имтиёзлар) балоғатга етмаган болаларни онасиз тарбиялаётган оталарга, шунингдек васийларга (она оламдан ўтган, оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган, даволаш муассасаларида узоқ вақт бўлган ҳамда болаларга оналик қила олмайдиган бошқа ҳолларда) нисбатан жорий этилсин;

4) ногирон болани тарбиялаётган ота-оналардан бирига (васийга):

болага якка қаров зарурлиги тўғрисида тиббий хулоса мавжуд бўлган тақдирда 16 ёшгача бўлган ногирон бола санаторийда даволанаётган бутун давр учун (келиш ва кетиш вақтини ҳам ҳисобга олиб) вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси бериш;

ҳар ойда ижтимоий суғурта маблағи ҳисобидан кунлик иш ҳақи миқдорида ҳақ тўланадиган қўшимча дам олиш куни бериш белгилаб қўйилсин.

9. Аёлларнинг ва ёши ўн саккизга етмаган шахсларнинг меҳнат шароитини янада яхшилаш мақсадида:

1) уларнинг меҳнатидан асосан ўзларининг руҳий-физиологик ва ёш хусусиятларига мос келадиган ишларда фойдаланиш учун, шунингдек уларнинг касб маҳоратини такомиллаштириш, ишда юқорироқ лавозимга кўтарилиш ҳамда жамият турмуш фаолиятининг барча соҳаларида фаол иштирок этиш учун реал шарт-шароитларни яратиш зарур деб топилсин;

2) СССР Министрлар Совети ВЦСПС билан биргаликда 1990—1991 йилларда:

аёллар, ёши 18 га етмаган шахслар ва меҳнат қобилияти чекланган шахслар меҳнатидан оқилона фойдаланишдан бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотнинг манфаатдорлигини ошириш чораларини ишлаб чиқишни;

юк кўтариш ва ташиш чоғида аёллар ва балоғатга етмаганлар учун илмий асосланган нормативларга мувофиқ йўл қўйиш мумкин бўлган оғирликнинг янги нормаларини ишлаб чиқишни;

аёллар ва ўсмирлар меҳнатининг қўлланилиши тақиқланадиган меҳнат шароити оғир ва зарарли ишлаб чиқариш, касблар ва ишлар рўйхатини қайта кўриб чиқиб, уларни фарзанд кўрадиган ёшдаги аёлларни жалб этиш лозим бўлмаган иш турлари билан тўлдиришни;

аёлларнинг тунги меҳнати унча зарур бўлмаган халқ хўжалиги тармоқларини, ишлаб чиқариш ва ишларни белгилаб қўйишни ва шунга мувофиқ равишда биринчи навбатда тунги меҳнатдан 14 ёшга тўлмаган болалари ёки 16 ёшгача ногирон болалари бўлган аёлларни озод қилиб қўйишни кўзда тутиб, аёлларни тунги сменада озод қилишнинг конкрет муддатлари ва тартибини белгилаб қўйишни;

ходимларнинг руҳий-физиологик, ёш хусусиятларини ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олиб ҳамда асосан аёллар, меҳнат қобилияти чекланган шахслар ва балоғатга етмаганлар шуғулланадиган ишлар ва касбларнинг тахминий рўйхатини ҳисобга олиб, иш жойларини таснифлаш учун мезонларни ишлаб чиқишни;

меҳнат статистика ҳисоботи шаклини жорий этишни, иш билан таъминланиш, ходимларнинг тоифалари, меҳнатни ташкил этиш шакли ва шароити, касалланиш, жароҳат олиш ва уларнинг сабаблари кўрсаткичларида аёллар ва ўн саккизга тўлмаган ёшлар учун алоҳида сатрни ажратиб кўрсатишни таъминласин.

10. Тамаки ва пахта етиштиришга доир ишлар аёллар ва болаларнинг саломатлигига зарарли таъсир қилишининг олдини олиш мақсадида иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига тамаки ва пахтани териш ва дастлабки қайта ишлашнинг безарар технологияларини, меҳнатни ташкил этишнинг тегишли шакллари ва шартларини ишлаб чиқиш ва жорий этишни тоширишни зарур деб ҳисоблансин.

11. Ҳомиладор аёлларни ноқулай ишлаб чиқариш омиллари таъсирини истисно этадиган бошқа, тағин ҳам енгилроқ ишга ўз вақтида ўтказишни таъминлаш учун:

1) бирлашмалар, корхоналар, ташкилотларнинг раҳбарлари касаба союз комитетлари, санитария назорати органлари билан биргаликда ҳамда хотин-қизларнинг жамоат ташкилотлари иштирокида тиббий талабларга мувофиқ равишда ҳомиладор аёллар ўтказилиши мумкин бўлган ёки улар уйда бажара оладиган иш турларини ва иш жойларини белгиласинлар, шунингдек уларнинг меҳнатидан фойдаланиш учун махсус цехлар (участкалар) барпо этсинлар ёки шу мақсадда улушбай асосида ишлаб чиқариш ва цехлар барпо этсинлар;

2) белгилаб қўйилсинки, тиббий хулосага мувофиқ ҳомиладор аёлни ишга оқилона жойлаштириш масаласи ҳал этилгунга қадар у бунинг оқибатида ишдан қолган кунлари учун корхона, муассаса, ташкилот маблағи ҳисобидан ўртача иш ҳақини сақлаб қолган ҳолда ишдан озод қилиб қўйилиши керак.

12. Аёллар ва болаларнинг саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб:

1) СССР Давлат план комитети ва СССР Молия министрлиги болалар ҳамда туғуруққа ёрдам берувчи даволаш-профилактика муассасаларининг янги турларини қуриш ва жиҳозлаш учун; биопрепаратлар, вакциналар, болалар овқати учун ишлатиладиган маҳсулотлар, болалар учун дори-дармонлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун четдан технология ускуналари сотиб олишга; болалар овқати маҳсулотини, шу жумладан шифобахш маҳсулотларни, ҳомиланинг олдини олиш воситаларини аҳоли эҳтиёжларини тўла қондирадиган даражада, Ватанимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни ҳам ҳисобга олиб харид қилиш учун 1991-1992 йилларда қўшимча валюта маблағлари ажратишни кўзда тутсинлар;

2) СССР Министрлар Совети ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари туғуруққа ёрдамлашиш ва болалар муассасалари учун даволаш-диагностика аппаратлари ва асбоблари, ногирон болалар учун саломатликни тиклаш ва протезлаш воситалари ишлаб чиқариш юзасидан чет эл фирмалари ва ташкилотлари билан қўшма корхоналар барпо этишга имтиёзли шароитни таъминласинлар;

3) СССР Министрлар Советининг озиқ-овқат маҳсулотлари ва харид давлат комиссияси ўн учинчи беш йиллик бошига қадар қишлоқ хўжалик корхоналарининг экологик жиҳатдан безарар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, биринчи навбатда ёш болалар ва ҳомиладор аёллар учун маҳсулотлар етиштиришдан иқтисодий манфаатдорлигини кучайтириш механизмини ишлаб чиқсин.

13. СССР Министрлар Советига амалдаги қонунларга ушбу қарорлардан келиб чиқадиган ўзгартишларни киритиш ҳақида олти ой муддатда СССР Олий Советига таклифлар киритиш топширилсин.

14. Ушбу қарорнинг 1, 4, 5-моддалари ва 8-модданинг 4-банди 1991 йил 1 январдан кучга киритилсин.

15. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиб бориш СССР Олий Советининг хотин-қизлар, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ишлари комитетига, СССР Олий Советининг фан, халқ таълими, маданият ва тарбия комитетига ҳамда СССР Олий Советининг халқ саломатлигини сақлаш комитетига юклатилсин.

СССР Олий Советининг Раиси

А. ЛУКЬЯНОВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 10 апрель.

- *План-бозор ҳисобидан*
- *Камомадга ким сабабчи?*
- *Ошхонадаги юлғичлар*
- *Аввал ўзингга боқ, кейин ноғора қоқ*
- *Қарор нега ижросиз қолянти?*
- *Нарх белгилашдаги ўзбошимчалик*

• Ўзбекистон ССР Халқ назорати комитетида

КИМНИ АЛДАМОҚЧИСИЗЛАР?

Узбекистон ССР Қурилиш министрлиги, республика агросаноат объектлари қурилиши бирлашмаси, Узбекистон ССР Сув хўжалиги қурилиши давлат комитети раҳбарлари нега қарор ижросини таъминлашмади!

Республика халқ назорати комитети ўтган йили текшириш ўтказиб ана шу министрлик, бирлашма ва давлат комитетларида қуриб бўлинган уй-жой ва социал объектларни фойдаланишга топиришда жиддий нуқсонларга йўл қўйилаётганлиги, уй-жойлар кўпдан-кўп камчиликлари билан топириб юборилаётганини аниқлаган ва ишда йўл қўйилган хатоларни тезда тугатиш юзасидан қарор қабул этди. Шундан бери орадан бир йил ўтди. Хўш, камчиликлар тугатилиб, ишда ижобий ўзгариш бўлдими!

Республика Халқ назорати комитети яқинда ўзи қабул қилган қарорнинг ижросини қайта текширди.

Халқ назоратчилари бир қатор областларда қуриб тугалланган уй-жой ва социал соҳа объектларини синчиклаб кўздан кечирганларида ҳали ҳам бинолар талай нуқсонлари билан фойдаланишга топириб юборилаётганини, министрлик ва идоралар бир йил давомида бу соҳада биронта тайинли иш қилмаганлигини аниқладилар. Текшириш жараёнида 12,6 минг квадрат метр уй-жой, 1634 ўринли мактаблар, 95 ўринли болалар боғчаси ва яслилар, 250 ўринли касалхона ва ҳар сменада 800 беморга хизмат кўрсатадиган поликлиника тайёр деб қайд этилган ҳисоботлардан чегириб ташланди. Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли трестларда қурилишда ташкилотчилик, «Ҳа, бўл-ҳа бўл»га рўжу қўйиш, тасдиқланган ҳужжатларга риоя қилмаслик натижасида бир қанча социал объектлар чала-чулпалигича топириб юборилаверган.

165-қурилиш трести (бошқарувчиси Ҳайитов) қурган бинолар айниқса сифатсиз бўлмоқда. Масалан, ўтган йилнинг декабрь ойида трест 5 та уйни, шу жумладан Термиз шаҳрида 5000 квадрат метрли иккита уйни, 42 минг сўмлик ишни бажармай топириб юборишга ҳужжат тайёрлаган. 167-қурилиш трести (бошқарувчиси Йўлдошев) Урганч қурилиш техникуми директори Бойжоновнинг қийин-қистови билан лойиҳалаш институти розилигини ҳам олмай талабалар ётоқхонасини ўқув корпусига, ошхонани кутубхонага қайта мослаш тўғрисида буйруқ берган. Яъни бир ўқ билан икки қуённи уриб, бир пайтда 3,7 минг квадрат метрли ётоқхона фойдаланишга топширилди, деб ҳужжат расмийлаштирилиб, 90 минг сўмлик қилинмаган ишлар қўшиб ёзилди.

«Ташоблагрострой» бирлашмаси бошлиғи Киреевнинг назоратни бўшаштиргани ва тартибсизликка йўл қўйгани сабабли 13 та мактаб ва 3 та болалар боғчалари махсус синфлар ва озиқ-овқат блоклари жиҳозлаш ишларини бажарилмай ҳамда ҳовлиларни текисламай ва ободонлаштирмай, бажарилган ишлар қаторига қўшиб қўйилаверган. Утган йили Оққўрғон ва Ўртачирчиқ районларида қурилган 3 та мактабда қурилиш ишлари сифатсиз бўлгани сабабли қайта ремонтга муҳтож бўлиб турибди. Тузел посёлкасидаги мактабда эса 100 минг сўмлик иш бажарилмаган. Бундай нуқсонлар Бухоро, Наманган ва Тошкент областлари қурилиш ташкилотларида ҳам рўй бермоқда. Шуниси ажабланарлики, область ижроия комитети раисларининг ўринбосарлари ана шу нуқсонларни кўриб-билиб турсалар ҳам уни фойдаланишга қабул қилишга рози бўлаверганлар.

Узбекистон ССР Халқ назорати комитети текширш натижаларини муҳокама қилиб ишда йўл қўйилган жиддий хатоликлар учун Қурилиш министрлиги ҳамда «Узагрострой» мутасадди раҳбарларига нисбатан жазо чоралари кўрди. Министрлик ва идораларга қарор ижросини бажаришда рўй бераётган камчиликларни тугатиш вазифасини топширди.

ХАЛҚ НАЗОРАТИ САҲИФАСИ

Газетамизнинг 1989 йил 6 сентябрь сонида Андижон шаҳар автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ихтисослаштирилган корхонаси директори М. Маҳмудовнинг «Ҳақиқат юзага чиқади» сарлавҳали танқидий мақоласи эълон қилинган эди. Биз мулоҳазалари асосли бўлиб туюлган ҳар бир газетхон фикрини имкони борича газета саҳифасига олиб чиқишга интилиб, мазкур хатни ҳам таҳрирсиз босган эдик. Хатда Андижон область халқ назорати комитети корхона ишини текширгани ва ушбу текшириш якуни муҳокамасида халқ назорати комитетининг раиси А. Солижонов М. Маҳмудовга нисбатан «жуда қўпол муносабатда» бўлгани ва бошқа текшириш ўтказишини айтгани, иккинчи марта бўлган текширишда эса шу корхонада ишлаб турган ва директорлик курсисига очиқ даъвогарлик қилаётган А. Сандаҳматовнинг хизматидан фойдаланганн, М. Маҳмудов бунга қаршилик кўрсатиб, текшириш холис киши томонидан ўтказилишини талаб қилгани, лекин фикри инобатга олинмай, текшириш фақат бирёқлама олиб борилгани тўғрисида ҳикоя қилинган эди.

Шундан кейин редакция бир йўла учта норозилик хати олди. Қуйида аввало ана шу хатларни яна таҳрирсиз ва бироз қисқартириб келтирамиз:

1. «Ҳурматли муҳаррир!

Газетангизда босилган «Ҳақиқат юзага чиқади» сарлавҳали мақолада менинг шанимга туҳмат гаплар айтилган. Одоб нормасига сира тўғри келмайдиган бу мақола комитет ва шахсан мени омма олдида обрўсизлантиришга қаратилган. М. Маҳмудов нима учун жазоланганн ҳақидаги ҳужжатларни юборяпман.

Андижон область халқ контроли комитетининг раиси А. Солижонов».

2. «Мансур Маҳмудовнинг мақоласи менга «кўрққан олдин мушт кўтарар», деган мақолни эслатди. Бетга айтганнинг зарҳи йўқ: енгил автомобиль нималигини билмайдиган бу одамни юқоридан корхонамизга директор этиб тайинлашди. У: «нима қилсанг қил, план тўлса бас», шиорини илгари сурди. Натижада кўп эҳтиёт қисмлар автомобилларга ўрнатилмасдан магазин орқали сотиларди. Аммо мижозлардан қилинмаган ишни қилинди, деб хизмат ҳақи олиш унутилмади. Корхона эса шу ҳисобга мукофотлар олди. Мен ҳар мажлисда инсоф билан ишлашга чақирардим. Коллектив шартнома тузилаётганида: «Корхона қошида катта маблағ сарфлаб, видеобар қуришнинг нима ҳожати бор, бунинг ўрнига районлардаги устахоналарни тартибга солсак бўлмайдими?» деб балога қолдим. Штатсиз инспектор сифатида область халқ контроли комитетининг текширишида қатнашганим директорга ёқмади.

Ихтисослаштирилган корхона ходими А. Сандаҳматов».

3. «Ҳақиқат юзага чиқади» мақоласи ўрганилганида, Андижон область халқ контроли комитети ихтисослаштирилган корхона ишини планга мувофиқ текширганлиги аён бўлди. М. Маҳмудов биринчи текширишда аниқланган камчиликларни тан олмагани учун 1989 йил май ойида қайта текшириш ўтказилган. Текшириш якуни ўтган йил 17 июнда область халқ контроли комитети йиғилишида кўрилиб, камчиликларга йўл қўйгани учун М. Маҳмудовни ишдан четлатиш ҳақида қарор қабул қилинган.

Шундан кейин корхона коллективидан бир группаси М. Маҳмудовни ишда қолдиришни сўраб, область партия комитетига «Илтимоснома» йўллади.

• Мавзуга қайтиб

ҲАҚИҚАТ ЮЗАГА ЧИҚДИ

ёки қўрққан олдин мушт кўтарар

Обком шуни инобатга олиб, Ўзбекистон автомобилларга техник хизмат кўрсатиш бирлашмасидан мутахассислар чақириб, область халқ контроли комитети аниқлаган камчиликларни қайта кўриб чиқишни таклиф қилди. Улар корхона ишида чиндан ҳам камчиликлар мавжудлигини қайд этдилар. Бу масала республика халқ контроли комитетида ҳам кўриб чиқилди.

Республика халқ контроли комитети, корхона меҳнат коллективи кенгаши ҳамда партия ва касаба союз ташкилотларининг илтимосномаларини ҳисобга олиб, область халқ контроли комитети М. Маҳмудовни ишдан четлатиш тўғрисидаги ўз қарорини ўзгартирди ва М. Маҳмудовга берилган жазони енгиллатиб, қаттиқ ҳайфсан билан алмаштирди.

Область партия комитети томонидан ўтказилган текширишда область халқ контроли комитети ихтисослаштирилган корхона фаолиятини текширган ва муҳокама қилган вақтда масалани коллектив ҳал қилиш принципи бузилмагани, комитет аъзолари бир овоздан қарор қабул қилганлиги аниқланди. Комитет раиси А. Солижонов корхона директори М. Маҳмудовдан коммунист ва раҳбар сифатида йўл қўйган хато ва камчиликлар учун жавоб беришини қатъият билан талаб қилган. Корхона иш фаолиятини текширишда ҳақиқатан ҳам шу корхона ходими А. Саидаҳматов қатнашган. Бу эса коллектив ҳуқуқига хилоф эмас.

Андижон область партия комитетининг биринчи котиби М. Орифжонов» (собиқ).

Ана шу хатлардан сўнг биз ҳақиқатни янада ойдинлаштириш мақсадида ихтисослаштирилган корхона фаолияти билан чуқурроқ танишдик. М. Маҳмудов 1986 йилдан буён шу ерда директор бўлиб ишлайди. У раҳбарлик қилган йилларда анча ишлар бажарилди. Жами 29 та енгил автомобилларга хизмат кўрсатиш устахонасидан 16 тасида капитал ремонт ва реконструкция амалга оширилди. Марказий корхона қошида соғломлаштириш комплекси, видеобар, теплица, ёзги чўмилиш ҳавзаси қурилган. Корхона 1988 йилдан хўжалик ҳисобига ўтган.

М. Маҳмудовнинг газетада босилган мақоласида: «Ишчиларнинг социал-маиший аҳволи яхшиланяпти, уларга уйжой қуриш учун корхона қошида турар жой қурилиши кооперативи ташкил этилди. Ҳозир 1,2 гектар ер ажратиш масаласи ҳал этилди», деган жумла бор. Андижон шаҳар ижроия комитети раиси М. Рустамовнинг айтишича, 1989 йил 14 мартда корхона қошида кооператив тузишга рухсат этиш, «Обод» массивидан 2,1 гектар ер бериш тўғрисида ижрокомнинг қарори чиққан. Лекин бу қарор масала ҳал этилди, деган маънони билдирмайди. Чунки у ҳали кучга кирмаган, ер ажратилмаган.

А. Саидаҳматов масаласига келсак, у область халқ контроли комитети текширишида штатсиз инспектор сифатида қатнашиб, корхона раҳбариятига ён босмагани, мажлисларда раҳбарлар шанига танқидий гаплар айтгани учун қувғинга олинган. У корхона касаба союз ташкилотининг иши мутлақо қўпол равишда бузилаётгани тўғрисида область «Коммунист» газетаси редакциясига хат ёзган. Редакция унинг хатини ўрганиб, газетада «Хўрланган ҳуқуқ» сарлавҳали танқидий мақола (1989 йил 10 октябрь) босди. Ўқувчиларга тушунарли бўлиши учун ўша мақоладан парча келтирамиз:

«... Корхона касаба союз ташкилотининг раиси Х. Қарашбоев 1989 йил август ойи арафасида тармоқ касаба союзлари область комитетига ишдан бўшатишларини сўраб ариза берди-ю, ғойиб бўлди. Корхонада 11 августда касаба союз ҳисобот-сайлов конференцияси ўтказилиши тўғрисида эълон осилди. Лекин белгиланган кунда конференция бўлмади. Чунки эълон бош корхонага ёпиштирилиб, районлардаги меҳнат коллективлари бундан деярли бехабар эдилар. Бунинг устига у ерларда на ҳисобот-сайлов йиғилишлари ўтказилган, на конференцияга делегатлар сайланган эди.

Конференция 15 августга кўчирилди. Бироқ бу куни ҳам ўтказилмади. Чунки, Сайлов натижаларининг энг ажабланарли жойи шундаки, конференцияда 52 делегат қатнашган, аммо 59 киши овоз берган. Сайлов натижаси қонунсиз, деб топилди. Қайта сайлов 11 сентябрда ўтказилди. Бу сайловда ҳам тармоқ касаба союзлари область комитетининг XIV конференциясига делегат сайлашда 52 та бюллетень тўлдирилди. Касаба союз комитетининг раисини сайлашда эса 52 ўрнига 60 киши овоз берган...»

Биз бу мисолни ҳам бекорга келтирмадик. Бу тартибсизлик, адолатсизликлар М. Маҳмудов раҳбарлик қилаётган ташкилотда рўй беряпти. Энди гапнинг буёғини эшитинг.

1989 йил 24 ноябрда корхона коллективининг умумий йиғилиши бўлиб, унда маҳаллий саноат, коммунал-маиший хизмат корхоналари касаба союзлари область комитетининг «Хўрланган ҳуқуқ» мақоласи юзасидан қарори муҳокама қилинди. Бироқ йиғилишда мақола ҳақида жуда кам фикр билдирилиб, асосан А. Саидаҳматовнинг коллективда ишлаш-ишламаслиги масаласи кескин қилиб қўйилди. Йиғилишга раислик қилувчи У. Мирзаев Асатилло Саидаҳматовни ишдан бўшатиш ҳақидаги таклифни овозга қўймоқчи бўлди. Шунда тармоқ касаба союзлари область комитетининг ҳуқуқшуноси М. Абдураҳимов: «Ҳурматли йиғилиш аҳли, мен сизларни огоҳлантириб қўяй. Бундай масала умумий мажлисда кўрилмайди, бу мумкин эмас. Овозга қўйиб А. Саидаҳматовни ишдан бўшатишга ҳақкинглар йўқ», деди.

Аммо йиғилиш ҳайъати бу гапга қулоқ солмади. «А. Саидаҳматов коллективда ишламасин, ишдан кетсин», деган таклиф овозга қўйилганида уни кўпчилик маъқуллаб қўл кўтарди. Бу қонунсиз ҳаттиҳаракат А. Саидаҳматовни хўрлашдан бошқа нарса эмасди. Бундай тарзда «ишдан бўшатиш», табиийки, қонунга хилоф эди.

Область халқ назорати комитети ихтисослаштирилган корхона бўйича текшириш якунларини холис бир ташкилот — Андижон шаҳар прокуратурасига берган эди. Прокуратура топшириғига мувофиқ Ўзбекистон ССР Молия министрлиги назоратгафтиш бошқармасининг Андижон области бўйича катта назоратчи-тафтишчиси А. Ғафуржонов корхонанинг бир йиллик молиявий-хўжалик фаолиятини кўриб чиқиб, қатор ишкалликларни аниқлади. Корхона директори М. Маҳмудов, бош инженер В. Бабаянц, бош бухгалтер Г. Изабакаров эса жойлардаги техник-хизмат кўрсатиш станциялари ва таъмирлаш устахоналари иши устидан етарли назорат ўрнатмаганлар, уларни ўз ҳолига ташлаб қўйганлар.

Корхонада эҳтиёт қисмларни тақсимлаш борасида амалда қўлланилаётган усул яроқсиз бўлиб, фақат раҳбариятга ўзи хоҳлаганича тақсимлаш учун имконият яратиб беради. М. Маҳмудов корхона марказий омборига келиб тушган эҳтиёт қисмларни юз фоиз тақсимламай, унинг бир қисмини омборда қолдириб қўяди. Масалан, 1989 йил январь ойида «ГАЗ-24» автомашинаси учун битта эшик, битта подшипник, битта привод, «Москвич—412» машинаси учун битта радиатор, 33 комплект гильза, 10 та тирсакли вал, 11 комплект привод, тўртта клапан, бешта блок, 11 дона «6 ст-55» аккумулятори тақсимланмай, раҳбарият ихтиёрида қолдирилган.

1989 йил апрель ойида 1-станция омборидан ҳар бир донаси 66 сўм турадиган 58 та автошина кимларгадир сотиб юборилган ва уни ёпиш учун 29 та қалбаки нарядбуюртма расмийлаштириб қўйилган ҳамда омбор мудири А. Абдуллаев бу буюртмаларни ҳисоботга қўшиб қўйган. Бунга эса директор М. Маҳмудов, бош инженер В. Бабаянц, 1-станция бошлиғи С. Халилов жавобгардирлар.

Текширишда шунингдек корхона раҳбарияти «Рассом» кооперативига корхона ҳисобидан 41 минг сўм ортиқча пул тўланганлиги маълум бўлди. Бунинг сабаблари: бажарилган ишларнинг қиймати оширилган баҳода ҳисоблангани, қурилиш материаллари миқдорида қўшиб ёзилгани ва тўловлар миқдори турли йўллар билан ошириб кўрсатилганлигидадир.

Тафтиш жараёнида масъул шахслар ҳисобидаги эҳтиёт қисмлар ҳисоб-китоб қилинганида 850 сўм камомад борлиги аён бўлди. Бу пул жавобгар шахслардан ундирилиб, корхона кассасига топширилди...

М. Маҳмудов ва у бош бўлган коллектив бир йўла бир неча юқори ташкилотга мурожаат қилишди. Шу боисдан ҳам ана шу баобрў ташкилотлар қайта-қайта малакали текширишлар ўтказди. Лекин якун Мансур Маҳмудов кутганидек бўлиб чиқмади. У аввал ўзига боқиб, кейин ноғора қоқмаганидан кейин шундай бўлади-да.

А. ҚУРОНБОЕВ,
О. НАЗАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.

Узбекистон пахтачилик машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмаси халқ назоратчилари ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларида маҳсулот сифати, хом ашёдан тежаб-тергаб фойдаланиш, тартиб ва интизомни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишларни доимий диққат-эътиборда тутмоқдалар. Ишчи ва хизматчиларга унумли ишлаш ва яхши ҳордиқ чиқариш юзасидан белгиланган тадбирларнинг қандай бажарилаётгани ҳам назоратчилар кузатувига олинган. Рейд ва текширишлар қатъий режа асосида ўтказилмоқда. Аниқланган нуқсонлар эса комитет мажлисларида чуқур муҳокама қилиниб, зудлик билан тугатилаётир. Фотомухбир Р. Шарипов ана шундай рейдлардан бирини суратга туширди. Катта инженер, халқ назорати группасининг аъзоси Л. Лахматова бош метролог бўлими лаборанти А. Черникова ишини текширяпти.

• Назорат хабарлари

ҚАЙТИМИДАН ЧИҚИМИ КЎП

Республика халқ назорати комитетига коммунистик районидаги «Политотдел» колхозининг раиси В. Ким хизмат вазифасини суиистеъмол қилаётгани ҳақида шикоят хати тушди. Текширишда бунга асос борлиги маълум бўлди. В. Ким хўжаликни бошқариш, ишлаб чиқариш ва бошқа масалаларни правление аъзолари билан маслаҳатлашиб ҳал этишнинг демократик асосларини ҳисобга олмаяпти. Бу эса 146 минг сўмлик пиёз ҳеч бир сабабсиз ҳисобдан чиқариб юборилишига олиб келди. Бош ҳисобчи И. Пак эса шунча пиёзнинг қонунсиз ҳисобдан чиқарилишига йўл қўйди.

Правление қарори билан асосан колхоздаги болалар муассасаларини таъминлаш мақсадида колбаса цехи қурилган эди. Бироқ цехда тайёрланган 19 тонна колбаса болаларга эмас, балки район маркази ва Тошкент шаҳридаги магазинларда сотиб юборилган. Хўжалик балиқчилик соҳасидан 29 минг сўм зарар кўрди. Бош агроном А. Пак биолаборатория ишини ташлаб қўйгани сабабли бу соҳада ҳам планлар бажарилмаяпти. Шу сабабли колхоз бошқа хўжаликлардан 14,5 минг сўмлик биомаҳсулот сотиб олишга мажбур бўлди. Ҳолбуки кейинги тўрт йилда колхоз лабораторияси учун 129,5 минг сўм сарфланган эди. Ўзбекистон ССР Халқ назорати комитети текшириш натижаларини муҳокама этиб, колхоз раиси В. Кимга икки ойлик маоши миқдорида (800 сўм), бош агроном И. Пакка 640 сўм миқдорида жарима солди.

А. РАҲИМОВ.

• Ажаб савдолар •

Цементни шамол учирса...

Цемент дегани упадек нарса. Агар очиқ қолса шабада-да ҳам чанг бўлиб осмонуфалакка кўтарилади. Унинг ана шундай учувчанлигидан «Ташметрострой» трестининг омбор мудири Ҳ. Мирзабоев озмунча пулга чув тушдими? У 1,2 минг тонна цементни очиқда қолдирган экан. Қайси бир кунги қаттиқ шамол ақалли бир кафт бўлса ҳам қолдирмай ҳаммасини учириб кетибди. Қарабсизки, Мирзабоевнинг зиммасига 32,2 минг сўмлик камомад ёзилиб турибди.

Ишлаб турган идораси — ишлаб чиқариш техникасини комплектлаштириш бошқармаси раҳбарлари ҳам дуруст одамлар экан. Ҳартугул унинг жонига оро кириб, енг учида 687 тонна цементни ҳисобдан чегириб ташлашди. Қолган 490 тоннасини эса «Монитара» кооперативи ўз ҳисобига олмоқчи бўлди. Ахир, қўл-қўлни ювадида. Кооперативга ҳам цемент керак. Агар омбор мудирини камомаддан қутқарса келгусида шу ердан оппа-осонлик билан истаган нарсасини олиши мумкин. Бироқ уйдаги гап кўчага тўғри келмайди, деганлари рост экан: банк кооперативнинг тўлов қоғозларини ўтказмай ушлаб қолди. Кейин эса бошқарма бошлиғи Е. Кантолер омбор мудири зиммасидаги камомадни ундириб олмай Х. Мирзабоевни силлиққина ишдан бўшатиб юборди. Мана, шундан кейин ҳам цементни шамол учирса, омборчини осмонда кўр, деган гапга ишонмай кўринг-чи?

Миннатли хизмат

— Оббо, яна маза-матраси йўқ-а, кечагидан баттар, — ўртадаги столда ўтирган ишчи тутоқиб деди.

— Боя мен сенга айтдимку, бошқа ерга бориб овқатланайлик деб, — унинг шериги ҳам қошиқни столга ташлаб ижирғанди. — Бу ернинг бўлгани-тургани шу.

Фарғона ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмаси ошхоналарида хизмат ёмонлиги сабабли ишчилар тушлик пайтида овора бўлиб қолишди. Бу ерда пазандалик технологиясига риоя қилинмаяпти. Халқ назоратчилари текшириш ўтказишганида 36 та савдо нуқтасидан 8 тасида хўрандалар ҳақидан уриб қолиш, технологияни бузиш каби воқеалар рўй бераётганлиги аниқланди. Тўқувчилик ишлаб чиқаришига қарашли 10-ошхонада тайёрланган овқатнинг каллорияси 52 процентдан ошмади, ошхона ниҳоятда ифлос, ҳатто ошпазларнинг қўли, пештахта ва ювилган идишдан ошқозон касалликлари бактериялари ҳам топилди. 3-йигирув ишлаб чиқаришига қарашли 6-ошхонада 10 та блинчик, тефтел ва қовурилган товуқнинг ҳар порциясидан 10 граммдан 40 граммгача масаллиқ кам чиқди.

Ажабланарли жойи шундаки, бирлашма бош директорининг ўринбосари А. Ғафуров, ишчилар умумий овқатланиш бўлими бошлиғи А. Бекиров ҳар куни хўрандаларнинг эътирозини эшитиб, аҳволдан воқиф бўлиб турган бўлсаларда, йўл қўйилаётган бошбошдоқликнинг олдини олмаяптилар.

Енг ичидаги ишлар

Область халқ назорати комитетига С. Зокиров дегандан шикоят хати тушди. Эмишки, Задарё районидаги «Правда» колхози чорвачилик соҳасида кўзбўямачилик, йўқни йўндириш каби воқеалар содир бўлаётган эмиш. Назоратчилар қилни қирққа айиришди ва шикоятда келтирилган барча далиллар тўғри эканлигини аниқлашди. Чунончи, хўжаликда кўплаб чорва моллари нобуд бўлаётган ва мажбурий сўйиб юборилаётган бир пайтда мажбур бўлинаётган ҳолда правление гўшт тайёрлаш планини аҳолидан гўшт сотиб олиш ҳисобига бажаришга зўр бермоқда. Кейинги уч йил мобайнида моллар харом ўлгани ва мажбурий сўйилгани ҳисобига колхоз 93,8 минг сўм зарар кўрди.

Энди сўйилган молларнинг гўштини нима қилишди, деб сўрарсиз. Бу соҳада колхоз правлениесини ҳар жиҳатдан ўзини оқлайдиган ҳужжатлар расмийлаштириб қўйилган. Уларда эса гўштнинг бир қисми чўпонларга берилгани, ҳозир улар хўжаликдан қарз бўлиб қолгани айтилган. Назоратчилар шунингдек колхозчиларга шартнома асосида боқиб семиртириш учун бузоқ тарқатишда ҳам рўй бераётган анча-мунча енг ичидаги ишларни очиб ташладилар. Бироқ, шуниси қизиқки, сирлар очилса ҳам колхоз правлениеси раиси А. Мардонқулов, бош зоотехник М. Аҳмадалиевлар буни парволарига ҳам келтиришмаяпти.

Р. ҚОДИРОВ.

• Муаммо •

МИЛЛИОНЛАР КИМНИНГ ҲИСОБИДАН?

Маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқаришга жадаллик билан жорий қилиш ва уларнинг магазин пештахталарига тезроқ етиб боришини таъминлаш мақсадида корхона ва ташкилотларнинг ўзида бадиий-техника кенгашлари тузиш, корхона раҳбарларига эса юқори сифатли харидоргир маҳсулотларга «Н» (янгилик) ва «Д» (келишилган) белгилари қўйиб баҳолар белгилаш ҳуқуқи берилган эди.

Аммо бу тадбир корхона молиявий шароитини асосан маҳсулот баҳосини ошириш эвазига яхшилашга ўрганиб қолган айрим раҳбарларнинг «шарофати» билан нарх-навонинг ва корхоналар даромадининг ўсишига олиб келди.

Масалан, республика Енгил саноат министрлигига қарашли Самарқанд шойи ишлаб чиқариш бирлашмаси асли ҳар метри 10 сўмлик духобани 1988 йил ва 1989 йилнинг биринчи ярми давомида 11 сўм қилиб сотиш ҳисобидан 2 миллион 229,6 минг сўм мўмай даромад кўрган. Шу министрликнинг Гулистон тикув фабрикаси асли давлат баҳоси 15 сўм бўлган аёллар блузкасини келишилган ҳолда 20 сўмдан баҳолаб, савдо тармоқларига юборавергаи. Мазкур корхона раҳбарлари маҳсулот сифатини яхшилашни унинг ёрлиқларига жозибали белгилар қўйишдан иборат, деб тушунмоқдалар.

Республика Маҳаллий саноат министрлигига қарашли «Шарқ гули» бадиий буюмлар ишлаб чиқариш бирлашмаси давлат баҳоси 8 сўм 20 тийиндан бўлган аёллар кўйлаги устига роппа-росса 3 сўм 80 тийиндан қўйиб савдо тармоқларида пуллаяпти.

Саноат корхоналарининг аксарияти савдо ташкилотларига «Н» ва «Д» белгилари билан аслида ҳамон аввалгидек сифатсиз, ҳатто нуқсонларга эга бўлган маҳсулотлар беряптилар. Оқибатда бу маҳсулотлар ойлаб сотилмай, магазин пештахталари ва савдо базаларида қалашиб ётибди. Кўзбўямачилик қилиб сифатсиз маҳсулотларни сотишга уринаётган бир қанча корхоналарга текширишлар давомида иқтисодий жазо чоралари кўрилди. Жумладан, Наманган аврли шойи газламалар комбинатига 57,7 минг сўм, Хоразм тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасига 56,3 минг сўм, «Ҳужум» бадиий буюмлар фабрикасига 11 минг сўм жарима солинди.

Тегишли министрлик ва идораларнинг раҳбарлари бундай аҳволга қачонгача бефарқ қараб турадилар?

А. МУҲИДДИНОВ,
Ўзбекистон ССР Халқ назорати комитетининг инспектори.

АВЛОДЛАР НАСИБАСИ БУТУНМИ?

Бу йил мева-чеваларнинг бозор нархи кўз кўриб, қулоқ эшитмаган даражага чиқиб олди. Бир килограмм нокни ўн уч сўм деб ўтиришдилар. Ваҳоланки, нари борса 4 дона яхши нок бир кило келади. Бир дона нок уч сўмдан ошиқ турганини қачон, ким кўрган? Олманинг бир килоси етти сўмга чиқди. Ёнғоқ, жийда, туршакни-ку айтмай ҳам қўяқолайлик. Яхши хандон писта йигирма беш сўмга чиққанини эшитдик. Майли, хандон писта тоғда битадиган нарса, лекин нок билан олма дарахтларига нима бўлган?

Ҳозир шунчалик, яна ўн йилдан кейин нима бўлади? Бу кетишда авлодларимиз насибаси бутун бўлишига кафолат борми? Ўзи нима рўй бермоқда? Мевали дарахтларимиз шунчалик камайиб кетганми? Илгари ўзидан боғ қолдириш ҳар битта ўзбек учун энг яхши фазилат ҳисобланмасмиди? Ёки яхши ном қолдиришнинг бошқа йўлини топиб олдикми?

Бу фожианинг илдизини топиш учун ўтмишга бир назар ташлашга тўғри келади. Эшитинг, мен сизга замонавий эртак айтиб берай. Ахир, ўтган кунларимиз эртакка айланиб бораётганини ким ҳам инкор эта олади?

Катта Қанглининг тепасида кейинги икки йил ичида бутун-бутун бир массивлар — «Қизил Шарқ», «Гулистон», «Алгоритм», 30-, 31-кварталлар қад кўтариб, ўртада ўн гектаргача ер очиқ қолди. Биров савдо маркази қурилармиш, деди, биров истироҳат боғи бўлармиш деган гап топди. Ҳали қурувчилар аниғини айтишганича йўқ. Лекин гап бунда эмас. Гап шу мавзеда турадиган бир деҳқон одам айтган мулоҳазада.

— Ернинг умри бекор ўтяпти, — деди у куйиниб. — Ижроқўмга чиқиб айтсангиз-чи, шу ерда бир қулинг ўргилсин боғ қилайлик. Майли, парк деб аташса аташсин. Бичими ҳам ўшандоқ бўла қолсин. Лекин шарт шуки, ичига бирон туп ҳам мевасиз дарахт экмаймиз. Ахир, шундай катта Тошкентда битта шаҳрона боғ бўлса, нима қилибди? Кўкартириб ҳосилга киритиб бериш биздан. Меъморлардан сўранг-чи, мумкинмикан?

Чиндан ҳам ўйлатадиган фикр. Беихтиёр Батумидаги субтропик ўсимликлардан иборат дендроблоғни эсладим. Хўш, нега бизда мумкин эмас? Ахир, биз дунёга келгандан бери эллик йил ичида озмунча мева турлари ноёблашиб, йўқолиб кетдими? Биз ёшлигимизда кўрган у нашватию кади ноклар, ғалвирак ёнғоқлару нон жийдалар қани? Қанттагу калйўлдош ўриклар-чи? Оқу қизил тарам олмаларчи? Дўланаю марвартак тутлар-чи? Санайверса одамни даҳшат босади. Уларнинг ўрнини босадиган нима экдик? Биронтамиз қораю сариқ гилосларни кўпайтирдикми? Жилла қурса, эшигимиз тагига тўрт туп беҳи экдикми?

Хўш, шу меваларни бирон истироҳат боғига эксак, у қиёфасини йўқотиб қўядими? Массивлар ўртасидаги хиёбонларга албатта акасу чинор экиш шартми?

Жаннатдай ери, суви бор Ўзбекистонда шарқона боғ яратса, биров раҳмат демайдими? Бу ҳам бир эртак. Фақат ушалмаган эртак. Уни маҳалламизда истиқомат қиладиган оддий боғбон Расулбек Ҳакимбеков айтди.

Шундан кейин мен сизда бу ғоя қаердан туғилиб қолди, деб қизиқдим ва ғалати мантиққа дуч келдим.

— Мана, сиз Чўлпон отанинг тубан кўча мавзесида катта бўлгансиз. Йўлдошхўжа тоғангизнинг ўрикзорларини, Қаюмбек амакининг ёнғоқзорини, Саидносир домланинг ўрикзорини, Чўлпон отадан тубан кўчанинг пастигача тушган анҳор ёқасидаги ёнғоқларни яхши биласиз-а? Тепаларнинг усти нуқул ўрикзор эди. Фақат бизнинг уй олдида ноксор бўлгучи эди. Бунақа ўрикзор, олмазору ёнғоқзорлар Катта Қанглию Муржумонда, Хирмонтепаю Кўтармада, Қатортолда қанча эди. Одамлар шунча кўчатни қаердан олган? Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? — деди Расулбек ака, кейин ўзи жавоб қилди. — Ҳар даҳада битта-иккита кўчатчи боғбон бўларди. Аммо у вақтда биров кўчат сотмас, писабилло берилар эди. Худди шундай одамлардан биттаси у кишининг бувалари Рустамбек ҳожи бўлиб, ўн сотих ерда сархил кўчат етиштириб қўйиб, ҳар кўкламда ён-атрофидаги деҳқонларга улашар эканлар.

— Бувам раҳматли кўчатга бировдан пул олганларини билмайман. Бу кўп улуғ иш, савобли иш. Кўчат берганга бир савоб, экканга бир савоб, дер эдилар. Ўша атрофдаги кўп боғлар улардан ёдгорлик эди. Афсус, уйлар тушиб, боғлар бузилиб кетдию мана бунақа қимматчиликка қолиб ўтирибмиз.

Дарвоқе, уйлар қурилиб бир чеккаси кўп улуғ иш бўлган бўлса, бир чеккаси боғлар бузилиб кўп хунук иш ҳам рўй берди. Ўша даврда шаҳарни мева-чева билан таъмин этиб турган кўп боғларга бульдозер солиниб, кундаков қилиб юборилди. Агар ҳозирги кун бўлганида, у боғларни бузишга ҳеч ким журъат этмасди. Шаҳар қуриш керакми, боғсиз тошлоқ ерга кенгайтирайлик, деб айтадиганлар топилар эди. Экин экиб бўлмайдиган тепаликлардаги у ўрикзору ёнғоқзорлар, у жийдазору тутзорлар энди бир эртак бўлиб қолди ва кўп қаватли уйлар пойдевори остида мангуга қолиб кетди.

Энди уни афсус билан эслагандан фойда йўқ, фақат энди Ер ҳақида Қонун чиқиб, яхши насимлар эсаётган бир пайтда ўша тажриба асқотиши, сабоқ бўлишини ўйлайлик. Халқнинг қўлида ер бўлмагунча, унинг ўз чорбоғлари, токзору ўрикзорлари, ёнғоқзору нокзорлари бўлмагунча маъмурчилик бўлмаслигини англаб етмоғимиз керак.

Расулбек акага ўхшаб, эслаб кўринг-а, оталаримиздан қолган боғлар қай аҳволда экан? Бузилиб кетмадимикан? Хароб бўлиб, қаровсиз қолмадимикан? Балки сизнинг қўлларингизга мунтазирдир. Балки ўрнида янги боғлар очишни ихтиёр этиб қоларсиз.

Биз ҳикоя қилаётган одамнинг оталари, раҳматли Ҳакимбек амаки шаҳарга ўтиб ерсиз қолишгач ҳам ўз касблари — боғбонликни ташламаган, Автомобиль йўллари министрлиги қурилиш бош бошқармасининг 25-кварталдаги базасида боғбон бўлиб ишлар эдилар. Кечагида ўша кишидан қолган ажойиб боғни бориб кўриб, ҳайратда қолдик. Идоранинг чорбоғи шундай жар-журликнинг устида, тепаликлар суриб очилган жойда экан. Ҳар азамат ўрикларки, кўрсанг ҳавасинг келади. Сал қаровсиз қолганини айтмаса, шундай ташландиқ бир ерда ажойиб боғ борлиги ҳеч кимнинг хаёлига келмайди. Лекин Ҳакимбек амаки чинданам уста боғбон экан, ота таълимини олган экан. Ўзидан яхши ёдгорлик қолдирибди.

Идора одамлари ҳали ҳам яхши хотирлашади у кишини.

— Раҳматли боғ атрофини девор билан ўраттирмаган эдилар. Агар очиқ турса, мен боғбонлик қиламан. Боғ кўпчиликники, унинг ҳосилидан ҳамма баҳраманд бўлиши керак, дер эдилар. Ўриклар ҳосилга кирганда тагига алоҳида битта таёқ қўйиб, бемалол қоқиб еяверинг, дер эдилар, — дея эслашди. Одамдан нима қоладди, ана шунақа яхши сўз билан ёдланиш-да. Бу кишининг иккинчи умри эмасми?

Икки йил бурун бир воқеани айтиб беришди. Кимдир дўмда яшаркан-у, ҳечким қилмаган ишга қўл урибди. Дўмлар ўртасидаги сайхон ерни ўраб олиб, яхши бир шийпон қурибди, атрофига сув чиқариб, ер очибди. Кейин Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик ва узумчилик илмий-тадқиқот институтидан сархил кўчатлар олиб келиб, боғ қилибди. У ер очиб, тош териб, боғ қилгунча ҳеч ким ҳеч нарса демабди. Мийиғларида кулиб қўя қолишибди. Лекин беш-тўрт йил ўтиб боғ қийғос ҳосилга киргач, қўшнилар ола қарашни бошлабдилар. Ер кўпчиликники бўлса, бу одам бир ўзи боғ қилиб, шийпонда яйраб ўтиришга нима ҳаққи бор, деб ижроқўмга чиқиб боришибди. Ҳайрият у ерда тушунадиган одамлар ўтиришган экан, боплаб жавобини беришибди.

— Сиз ҳам боғ қилинг, ким қаршилик қиляпти? Ўзингиз қилмайсиз, яна кўра олмаганингиз ортиқча, — дейишибди.

Шу-шу, ўша атрофдан бошқа шикоят тушмабди.

Мен бу билан нима демоқчиман, бизда ота-бобоси боғбон ўтган одамлар жуда кўп. Вақти келиб улар ота-боболари қилган ишни қилгилари, ўзларидан яхши бир боғ қолдиргилари келиб қолса, мана бу яхши насимлар шарофати билан ер берайлик, қўллаб-қувватлайлик. Ердан кўпи борми! Одамлар ҳар маҳаллаю ҳар мавзеда жойини топиб, янги боғларга асос солсинлар, даҳаларимиздан ўзимиз учун егулик мевалар чиқсин. Кўпда бўлса, кўпга етади, деган гап бор, ахир!

Биз меҳмондўст халқмиз. Меҳмон учун жонимизни беришга тайёрмиз. Азиз кишилар учун ҳар қанча харажатдан қочмаймиз. Лекин ҳамма гап мева-чеваларнинг таги камлигида. У болаларимизнинг оғзига тегмаётганида, улар айни витаминларга тўйиб, ўсиб-улғаядиган пайтда бундан бебаҳра қолаётганида.

Олдинги йилда жумҳуриятимизда киши бошига 31,7 кило атрофида мева етиштирилибди. Ҳали бунинг қанчаси халққа етиб бормай исроф бўлиб кетган экан.

Майли, ўша 31,7 килони еди, дейлик ҳам. Кунига юз граммдан ҳам тушмайдику. Бу дегани битта олма есак еймиз, бошқа хил меваларга оғзимиз тегмайди ҳам дегани-ку.

Бир сидра маҳаллаларда ноёб меваларни кўпайтириш одат тусига кириб қолган, ўзимиздан кўчатчилар ҳам чиққан эди. Яхши эслайман, беш-ўн йил бурун бизнинг томорқаларда шотут экиш расм бўлди. Меваси хафақонликка жуда даво экан, деб шотут кўчат излаб қолишди. Шунда «Тинчлик» маҳалласида турадиган дўстимиз кимё фанлари номзоди Анвархон Абдушукуров томорқасида алоҳида кўчатхона қилиб, шотут кўпайтирди ва қариндош-уруғу, қўни-қўшниларга тарқатган эди. Мана энди ўша шотутлар қийғос ҳосилга кирган, қўни-қўшнилар териб ҳам адо қилиша олмайди. Ҳар йили қанча-қанча банка шотут мевасини қишга консерва қилиб оламиз. Унинг шамоллаганга даволигини, хушхўрлигини айтмайсизми? Кўпайтирса бўларканку ноёб меваларни. Фақат озгина қунт, истак бўлса бас экан.

Юқорида биз номларини меҳр-эҳтиром билан тилга олган боғбон Рустамбек ҳожи бува кўчат улаша туриб, ўша даҳадаги бирон деҳқонни назардан қолдирмас эканлар. Ҳар бир оила бошлиғига биттадан кўчат тутқаза туриб, ширинсуханлик билан:

— Олинг, болам, Сизнинг қўлингизни ҳам бир кўрайлик. Гулмикан, гулсизмикан, билайлик, дер эканлар.

Ана шу гапдан кейин қайси одам ўша кўчатга ихлос билан қарамайди?!

Бизнинг замонамизга келиб-чи? Минг-миллионлаб кўчатлар экилади-ю, қаровига келганда ҳеч кимнинг қўли тегмайди. Ана шундан кейин улар қуриб кетади-да, ана шундан кейин биз мана шунақа танқислигу қимматчиликларга қолиб ўтирамизда. Келинг, азизлар, ҳар бир оилада кўчат экишга қодир одам ўз қўлини бир синаб кўрсин: гулмикан, гулсиз? Зораки боғга ихлосимиз ортса.

Халқ — бир дарё. Унинг яратувчилик қудратига тенг куч йўқ дунёда. Биз деҳқон қўлидан ерни тортиб олиб, хўб жабрини тортдик. Етар энди. Биз халқнинг қўлидан мол-ҳолини йиғиштириб олиб, хўп катта хатога йўл қўйдик. Ҳалигача сут ва гўшт етиштиришни кўпайтира олмай ҳалакмиз. Биз ҳеч ўйламай шаҳар атрофидаги боғларни йўқ қилиб ташладик. Қишлоқларгасиғи эса пахта сиқиб чиқарди. Оқибатда тўйиб мева-чева ейиш нималигини унутдик. Хатолардан сабоқ чиқариб фасли етгандир, ахир. Шунинг учун ҳам ихтиёрни халққа берайлик. Ерни эса деҳқонга. Ҳар ким истаганча, кучи етганча эксин, боғ-роғ қилсин. Ўзининг ҳам, авлодларининг ҳам насибасини бутун этсин.

Тўкинлигу маъмурчилик калити ўз қўлингизда, эй азизлар. Кун ўтмасин, муддат кечмасин, авлодлар насибаси бутун бўлсин, десангиз, боғ қилинг, боғ!

Муроджон МАНСУРОВ,
ёзувчи.

Ёшликка бўйсунсин эдим

ОНА-ВАТАН БАҒРИДА

Афғонистоннинг жафокаш зиминида оппозициячилар қўлига асир тушиб, тўрт йилдан кўпроқ вақтини ўтказган 22 ёшли Алексей Тихоновнинг бошига тушган не-не балолар ва кулфатларнинг чеки йўқ. Энди у асирликда кечган кунларидаги воқеаларни дашҳатли туш сингари эслаб юради.

12 апрель куни жиззахлик йигит она Ўзбекистон заминига қадам қўйди. Уни кутиб олган отасининг қувончини, кўзлари ёшга тўла онасининг нақадар бахтли онларни кечираётганлигини сўз билан ифодалаш қийин. Онага Кобул шаҳрига бориш ва жигаргўшаси Алексей билан биргаликда қайтиб келишга имконият яратдилар. Ўйда эса уни икки синглиси ва укаси тоқатсизлик билан кутишмоқда.

А. Тихоновни 1985 йилда армияга чақирдилар. Ярим йил ўқиганидан сўнг, Афғонистонга, урушга юбордилар. Бугун у бизнинг уруш бўлмаганлигини ҳамма билади. Лекин ўшанда нима қилиш мумкин эди? Фақат буйруқларни бажариш шарт эди. Бўлинма топшириқни бажаргани кетганида, эндигина оғир хасталикни бошидан кечирган А. Тихоновга шу ерда қолиб, техникани қўриқлашни топширдилар. У ўз постини эгаллади. Ўртоқлари қайтиб келганида йигит жойида йўқ эди, роса қидиришди, лекин хеч қандай натижа бўлмади. Жиззахга «бедарак йўқолди...» деган хабар юборилди.

Бундай хабарга қайси ота-она ишонарди, дейсиз. Ахир одам изсиз йўқолиши мумкин эмаску. Тихоновларнинг ёзмаган жойи қолмади: халқаро Қизил Крест жамияти ва ЎЗСПС, ўшанда ишлаб турган «Умид» комитети ва ҳарбий асирлар оилаларининг Бутуниттифоқ уюшмасига неча марталаб мурожаат қилишди. Солдатнинг отаси Рольт Степанович Тихоновнинг айтишига қараганда, уларнинг хатлари бирор марта ҳам жавобсиз қолмаган, фарзандларини ҳамма бир ёқадан бош чиқариб қидиришга киришган. Юзлаб кишилар, ушбу оилага нотаниш одамлар оз бўлсада аҳволни аниқлашга, бошига кулфат тушган одамларга ёрдам беришга кўп куч-ғайрат сарфладилар.

Ўзбекистон жамоат ташкилотлари ва расмий муассасалари ҳам ана шу хайрли ишга киришдилар. Республика Қизил Ярим ой жамиятининг ташаббуси билан бу ерда ҳарбий асирларни озод қилишга кўмаклашувчи мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилди. Кенгашга бир неча министрликлар, Туркистон ҳарбий округи сиёсий бошқармаси, Совет тинчликни ҳимоя қилиш комитети республика бўлими, «Ватан» жамияти ва диндорларнинг вакиллари киришди.

Кенгашнинг иши қай даражада мураккаблиги, хусусида Ўзбекистон ССР Қизил Ярим ой жамияти марказий комитетининг раиси О. Т. Воҳидова шундай деди:

— Ҳатто асирга тушган жангчиларнинг номини ва уларнинг қаерда турганлигини аниқлаш ниҳоятда қийин. — Бизга ҳеч ким бу ҳақда хабар бермайди. Боз устига, ҳозир бедарак йўқолганлар уч юз кишидан кўпроқ эканлиги маълум. Асирга тушганлар билан учрашиш учун 80-йилларнинг бошларидан бери ҳаракат қилиб келинади, совет вакилларимиз ана шу даврда атиги олти нафар йигитимиз билан учрашишга муваффақ бўлдилар. Шундай бўлса ҳам аскарларимизни озод қилиш йўлларини тинмай излайверамиз, токи улардан биттаси ҳам ўзга юртларда азоб чекмасин.

(ЎзТАГ).

МАРРАГА ЯҚИН

Фарғона область Бағдод райони марказида йирик уй комбинати барпо этилмоқда. Мазкур объектни республика Давлат қурилиш комитетининг 14-бинокорлик коллективи бунёд этмоқда.

Бу ерда ишлаётган азаматлар уни йил охирига фойдаланишга топшириш мақсадида астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Ойлик ва квартал топшириқлари ортиғи билан бажарилиб келаётир. Бунда таъминотчи корхоналарнинг ҳам ҳиссаси катта. Зарур ускуналар пешма-пеш ўз вақтида келиб турганлиги туфайли иш ҳар бир участкада мунтазам давом этмоқда.

Суратда: иш боши Исоқжон Абдураҳмонов, бригадир Абдуҳамид Аҳмадалиев ҳамда илғор ишчи Мадаминжон Аҳмедовлар.

У. ҚУШВОҚОВ олган сурат.

СССР ИЧКИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИДА

СССР Ички ишлар министрлигининг ходимлари СССР Давлат хавфсизлик комитетининг ходимлари билан биргаликда ўтказган кенг миқёсли операция натижасида давлатга салкам 300 минг сўм пул қайтариб берилди.

Тегишли органларга Шарқий Европа «махфий бозори» каналларидан бири мавжудлиги шу канал орқали СССРга харидоргир моллар, шу жумладан декларацияларда кўрсатилмаган компьютер техникаси келтирилаётганлиги маълум бўлди. Мамлакатимизда бу моллар кооперативларга ва хусусий кишиларга сотилмоқда. Олинган фойдага қимматбаҳо металлар харид қилиниб, чет элга олиб чиқиб кетилмоқда.

Бир гуруҳ хорижий гражданлар ҳисоблаш техникасини ярим миллион сўмга пуллаб, мамлакатдан бир неча килограмм олтин ва платинани олиб чиқиб кетишга уринган пайтда, ана шундай найранглардан бирига чегарада чек қўйилди.

ТВ: ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА

16 апрель, душанба

УзТВ-I. 17.35 Янгиликлар. 17.40 Болалар учун фильм. 19.00 Хоразм вилоятида уйжой қурилиши муаммолари. 19.30 Ахборот. 19.50 Қадрият. 20.25 Манзарали фильм. 20.30 Время. 21.00 Фитрат ижоди. 22.00 Ахборот. 22.20 Деҳқон ва замон. 23.20 Мусиқий учрашувлар.

УзТВ-II. 18.10 Дўстлик туркумидан. 18.55 «Сиёвуш ҳақида қисса». Бадиий фильм, 1-серия. **ДУШАНБА.** 20.30 Время. 21.00 Концерт. 22.00 Ахбор. 22.20 Зебои чист? 23.00 «Хизматга чақирилувчилар». Бадиий фильм.

МТ-I. 18.00 Время. 18.30 Мамлакат билан юзма-юз. 19.30 Н. Воронцов билан учрашув. 19.30 «Юзма-юз». Фильм-спектакли. 20.30 Время. 21.00 Коллаж. 21.05 «Юзма-юз» фильм-спектаклининг давоми. 22.05 Футбол шарҳи. 22.35 Концерт. 23.25 ВЛКСМ XXI съезди кундалиги. 23.55 ТСН.

МТ-II. 18.00 Время. 18.30 Хоккей. Жаҳон чемпионати. 21.00 Гандбол. СССР чемпионати. 21.35 Ҳужжатли фильм. 21.45 Халқ куйлари. 22.00 Хоккей. Жаҳон чемпионати.

17 апрель, сешанба

УзТВ-I. 11.30 Физика. 12.00 Телефильм. 12.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 13.00 «Армон». Бадиий фильм. 17.25 Янгиликлар. 17.30 «Ўзбек тилини ўрганамиз. 18.00 Футбол. «Пахтакор» — «Нистру». 19.50 Шеърият дафтаридан. 20.00 Енгиндан сақланинг. 20.30 Время. 21.00 Долзарб мавзу. 21.20 Ўзбек куйларидан концерт. 22.00 Ахборот. 22.20 Огаҳий таваллудининг 180 йиллигига бағишланган кеча.

УзТВ-II. 18.10 Телефильмлар. 18.50 «Сиёвуш ҳақида қисса». Бадиий фильм, 2-серия. **Фрунзе.** 20.30 Время. 21.00 «Бузоқ йили». Бадиий фильм.

МТ-I. 6.00 «120 минут». 8.00 Мультфильмлар. 8.35 «Юзма-юз». Фильм-спектакль. 10.30 Бу бўлган... бўлганди... 10.55 Болалар соати. 11.55 Коллаж. 12.00 Время. 11.15 Болалар учун фильм. 16.35 Камбоджа учун гуллар. 17.05 Мультфильм. 17.15 Бор бўл, мусиқа. 18.00 Время. 18.30 Нафосат қонуни. 19.15 Долзарб интервью. 19.30 Илмий-оммабоп фильм. 20.30 Время. 21.00 Футбол. СССР кубоги. 22.50 Хорижий рус маданияти. 23.20 ВЛКСМ XXI съезди кундалиги. 23.50 ТСН.

МТ-II. 8.00 Гимнастика. 8.15 Илмий-оммабоп фильм. 8.35 ва 9.35 Физика. 9.05 ва 10.05 Француз тили. 10.35 Табиатшунослик. 10.55 Бола билан мулоқот мактаби. 11.25 Совет ўт ўчириш хизмати ташкил топганлигининг йиллигига. 11.55 Хоккей. Жаҳон чемпионати. 13.15 Ритмик гимнастика. 13.45 «Ўтмишни қайтаринг». Бадиий фильм. 1-серия. 15.00 Стол тенниси. Европа чемпионати. 16.30 Визнинг мерос. 17.15 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 18.00 Время. 18.30 Хоккей. Жаҳон чемпионати. 20.30 СССР Олий Совети сессияси.

18 апрель, чоршанба

УзТВ-I. 11.30 Фильм-концерт. 12.00 Телефильм. 12.30 «Сиёвуш ҳақида қисса». Бадиий фильм, 1-серия. 17.35 Янгиликлар. 17.40 Мультфильм. 18.00 «Юлдузча». 18.30 Оилавий боғча. 18.45 Сув — ҳаёт манбаи. 19.30 Ахборот. 19.50 Дўстлик учрашувлари. 20.30 Время. 21.00 Ички ишлар вазирлиги хабар беради. 21.15 Созимиз — овозимиз. 22.00 Ахборот. 22.20 «Вўстон».

УзТВ-II. 18.05 «Огарев кўчаси, 6-уй». Бадиий фильм. 19.30 Тошкент студияси кўрсатади. **Душанба.** 20.30 Время. 21.00 «Мутриб». Амирбек Мусоев. 21.35 Ғалабанинг 45 йиллигига. 22.00 Ахбор. 22.20 «Олтин лангар»лик бармен». Бадиий фильм.

МТ-I. 6.00 «120 минут» 8.00 Мультфильмлар. 8.10 «Ҳамтоқлар». Бадиий фильм. 9.35 Футбол. СССР кубоги. 10.25 Камалак. 11.00 Дунё бўйлаб. 12.00 Время. 15.15 Зимбабве халқ санъати. 15.35 ТелеЭКО. 16.05 Фильм-концерт. 16.30 Меҳр-шафқат ҳафталиги. 17.00 Болалар соати. 18.00 Время. 18.30 Концерт. 18.55 Объектив. 19.30 Илмий-оммабоп фильм. 20.30 Время. 21.00 Коллаж. 21.05 «Орол». Бадиий фильм. 1-серия. 22.10. Концерт. 22.30 Итальян кинодраматурги Тонино Гуэрра билан учрашув. 23.30 ВЛКСМ XXI съезди кундалиги. 23.50 ТСН.

МТ-II. 8.00 Гимнастика. 8.15 Илмий-оммабоп фильм. 8.35 ва 9.35 Мусиқа. 9.05 ва 10.05 Немис тили. 10.35 ва 11.35 Адабиёт. 11.05 Бола билан мулоқот мактаби. 12.05 Хоккей. Жаҳон чемпионати. 13.25 Ҳужжатли фильм. 13.55 «Ўтмишни қайтаринг». Бадиий фильм, 2-серия. 16.30 Қалб қўшиқлари, майин ҳамдард қўшиқлар. 17.10 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 18.00 Время. 18.30 СССР Олий Совети сессияси.

19 апрель, пайшанба

УзТВ-I. 11.30 Кимё. Металлар. 12.00 Телефильмлар. 12.30 «Сиёвуш ҳақида қисса». «Бадиий фильм, 2-серия. 17.35 Янгиликлар. 17.40 Эстетика асослари. 18.10 Мактаб ўқувчилари учун. 18.35 «Бобур». Телефильм. 19.00 «Камалак». 19.30 Ахборот. 19.50 Реклама. 19.55 Алифбо сабоқлари. 20.30 Время. 21.00 Деҳқон юмушлари. 21.20 Концерт. 22.00 Ахборот. 22.20 Экранда — кинокомедия. «Малласоч малика».

УзТВ-II. 18.05 Болалар учун фильм. 18.45 Телефильм. 19.00 «Тошкент» студияси. 20.00 Спорт шарҳи. **Фрунзе.** 20.30 Время. 21.00 Шу куннинг мавзуида. 21.15 Эл чигармачилиги. 21.55 «Муваффақият». Бадиий фильм.

МТ-I. 6.00 «120 минут». 8.00 Илмий-оммабоп фильм. 9.00 Бор бўл, мусиқа! 9.45 Мультфильм. 9.55 М. И. Бабанованинг театр ёдномалари. 10.55 Болалар соати. 11.55 Коллаж. 12.00 Время. 15.15 Болалар учун фильм. 16.35 Ҳужжатли фильм. 16.55 Шеърият лаҳзалари. 17.00 В. И. Ленин таваллудининг 120 йиллигига. 17.45 Ю. Дранга чалади. 18.00 Время. 18.30 Тараққиёт. Ахборот. Реклама. 19.00 Сиёсий мулоқот. лар. 20.30 Время. 21.00 Долзарб интервью. 21.10 «Орол». Бадиий фильм, 2-серия. 22.15 Мезон. 22.35 ВЛКСМ XXI съезди кундалиги. 23.05 ТСН.

МТ-II. 8.00 Гимнастика. 8.15 Илмий-оммабоп фильм. 8.35 ва 9.35 Умумий биология. 9.05 ва 10.05 Испан тили. 10.35 ва 11.35 Биология. 11.05 Бола билан мулоқот мактаби. 12.05 Н. В. Гоголнинг экранлаштирилган асарлари. 13.20 Ритмик гимнастика. 13.50 «Ўтмишни қайтаринг». Бадиий фильм, 3-серия. 16.30 Концерт. 17.20 РСФСР шаҳарлари студиялари. 18.00 Время. 18.30 СССР Олий Совети сессияси. Танаффусда Хайрли тун, кичкинтойлар!

20 апрель, жума

УзТВ-I. 11.30 «Олтин шохли кийикча». Спектакль. 12.20 «Дон Кихот болалари». Бадиий фильм. 13.30 Телефильм. 17.35 Янгиликлар. 17.40 Қўғирчоқ фильм. 17.55 Концерт. 18.35 Ахборот. 18.55 Москва. В. И. Ленин таваллудининг 120 йиллигига бағишланган тантанали мажлис. 20.15 Время. 20.45 Ўзбекистон телевизион киножурнали. 20.55 Одобнома. 21.10 Мусиқий кўрсатув. 22.00 Ахборот. 22.20 Мақом кечаси. 23.00 Футбол. «Пахтакор» — «Металлург».

УзТВ-II. 18.10 «Солдат қиссаси». Бадиий фильм. 19.35 «Тошкент» студияси. 20.15 Время. 21.00 Тожикистон ССР Олий Совети сессиясида.

МТ-I. 6.00 «120 минут». 8.05 Илмий-оммабоп фильм. 9.05 Сергей Березин қўшиқлари. 9.15 Туғилган куни — Москвада. 10.15 Бор бўл, мусиқа. 11.00 Йил фасллари. 12.00 Время. 16.00 Мусиқий хазина. 16.05 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 16.55 Хоккей. СССР—АҚШ. 18.55 В. И. Ленин таваллудининг 120 йиллигига бағишланган тантанали мажлис. 23.15 Коллаж. 23.20 Долзарб интервью. 23.30 Бу бўлган... бўлганди. 24.00 Нигоҳ. 01.30 ТСН.

МТ-II. 8.00 Гимнастика. 8.15 Илмий-оммабоп фильм. 8.35 ва 9.35 Мусиқа. 9.05 ва 10.55 Инглиз тили. 10.35 ва 11.35 Тарих. 11.05 Бола билан мулоқот мактаби. 12.05 Ф. Лист. Дантени ўқиб. 12.25 Такрорий телефильмлар сеанси. 14.50 Концерт. 15.15 Меҳр-шафқат ҳафталиги. 15.50 Спорт ҳамма учун. 16.05 Қўшиқ инсон билан қолади. 17.00 Спорт программаси. 18.00 Время. 18.30 Ҳужжатли фильм. 19.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.45 Информацион программа. 20.30 Меҳр-шафқат ҳафталиги.

21 апрель, шанба

УзТВ-I. 9.00 «Ассалому алайкум». 10.00 Сафар таассуротлари. 11.00 Барҳаёт Ленин. 11.40 «Биринчи меҳмон». Бадиий фильм. 12.55 КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳаси муҳокамада. 13.15 Буюк сиймо. 13.40 ДОСААФ — мардлик майдони. 14.10 Элга хизмат — олий ҳиммат. 14.45 Чўлда Наврўз. 15.15 Иш ўнгидан келганда. 18.00 Тенгдошлар. 18.45 Мультипанорама. 19.30 Ахборот. 19.45 Ўзбек тилини ўрганамиз. 20.15 Оқшом эртаклари. 20.30 Время. 21.00 Телефильм. 21.10 Мусиқий кўрсатув. 22.00 Ҳафтанома. 22.40 «Она қалби». Бадиий фильм.

УзТВ-II. Душанбе. 9.00 Ритмик гимнастика. 9.15 Савту калом. 10.05 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Баҳорнинг 17 лаҳзаси». Бадиий фильм. 5 ва 6-сериялар. 12.25 Фильм-концерт. **Фрунзе.** 15.05 Мультфильм. 15.25 Реклама. 15.35 Илмий-оммабоп фильм. 15.55 Концерт. 16.35 «Овоз». Бадиий фильм. 18.05 Фильм-концерт. 19.00 Мезгил. 19.30 Телефильм. 19.50 Ильич севган асарлар. 20.30 Время. 21.00 Ўзбекистонда яшаётган қиргизлар ҳақида кўрсатув. 21.50 «Империянинг емирилиши». Бадиий фильм.

МТ-I. 6.00 «120 минут». 8.05 Сиз яратган боғ. 8.35 Ҳужжатли фильм. 9.05 Қозоғистоннинг мусиқий фольклори. 9.30 Нафосат қонуни. 10.15 Кичик концерт. 10.30 Ҳайвонот оламида. 11.30 Режиссёр Л. Луков фильмлари. 13.00 Россия университети. 14.00 С. Иголинский чалади. 14.20 Тижорат хабарномаси. 14.50 Спектор. 15.20 Қадимий садолар. 16.10 Сиёсий мулоқотлар. 17.00 Камалак. 17.35 Халқаро панорама. 18.20 Мультфильм. 18.30 Меҳр-шафқат хафталиги. 18.45 «Фермер—90» фестивали. 20.30 Время. 21.00 Телескоп. 21.20 Оилавий телевикторина. 22.30 Телепортрет. 23.00 Оммабоп куйлар янгиликлари. 00.30 ТСН.

МТ-II. 7.30 Гимнастика. 7.50 Экранда 01 хизмати. 8.20 Концерт. 8.55 «Оила хроникасидан икки боб». Бадиий фильм. 10.30 Тараққиёт. Ахборот. Реклама. 11.00 «Веснянка» рус қўшиқлари хори ижро этади. 11.10 Педагогика ҳамма учун. 12.10 Меҳр-шафқат ҳафталиги. 12.55 Коллаж. 13.00 Эртаклар ва саргузаштлар оламига саёҳат. 14.00 Совет Россияси видеоканали. 16.30 Фотоқўрик. 16.35 Хоккей. Финляндия — СССР. 18.35 Ҳужжатли фильмлар. 19.15 Қадрдон ўлка қўшиғи. 19.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.45 Информацион программа. 20.30 Время. 21.00 Футбол. «Спартак» — «Металлист». 22.50 Меҳр-шафқат ҳафталиги. 23.35 Концерт. 00.10 «Ким миллиардер». Бадиий фильм. 01.20 «Петра» Бадиий фильм.

22 апрель, якшанба

УзТВ-I. 9.00 «Ассалому алайкум». 10.00 Компьютер сабоқлари. 10.25 Ешлик. 12.25 Ленин ва Ўзбекистон. 13.05 Қувноқ стартлар. 14.20 Алифбо сабоқлари. 14.55 Спорт программаси. 18.00 Ўйла, изла, топ! 18.50 Ешлик. 19.30 Ахборот. 19.50 Мультфильм. 20.00 Ота-оналар университети. 20.30 Время. 21.00 Долзарб мавзу. 21.15 Телевизион новеллалар театри. «Нон». 22.00 Ахборот. 22.20 Концерт.

УзТВ-II. 9.00 «Сапеда» 10.05 Реклама. 10.15 Визнинг хазинамиздан. 12.15 «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси». Бадиий фильм, 7-8-сериялар. 18.05 Мультфильм. 18.20 «Она садоқати». Бадиий фильм. 19.50 Концерт. 20.30 Время. 21.00 Адабий-мусиқий кўрсатув. 22.00 «Ҳафта». 22.30 Адабий-мусиқий кўрсатувнинг давоми. 23.20 Телетомошабин ҳамроҳи.

МТ-I. 7.30 Спорт ҳамма учун. 7.45 Ритмик гимнастика. 8.15 Спортлото. 8.30 Эрта саҳарлаб. 9.30 Ватан хизматида. 10.30 Тонгги дам олиш программаси. 11.00 Саёҳатчилар клуби. 12.00 Мусиқий киоск. 12.30 Экологик программа. 14.00 Концерт. 14.25 Здоровье. 15.10 Концерт. 15.30 Қишлоқ янгиликлари. 16.45 «Тош гул». Бадиий фильм. 18.15 Бир биографиядан парчалар. 19.10 В. И. Ленин таваллудининг 120 йиллигига. 20.30 Время. 21.00 Абаднят ҳақида ўйлар. 21.15 Хоккей. СССР—Швеция. 23.00 Концерт.

МТ-II. 7.30 Зарядкага сафланинг. 7.50 Концерт. 8.15 Ҳужжатли фильм. 8.40 Концерт. 9.00 «Вахтлисан. Женька». Бадиий фильм. 10

Қардошлар диёрида

ТАЖРИБА АЛМАШИБ

Серқуёш ўлкамиз ўқитувчи ва мураббийларидан иборат кўпкунлик сафар иштирокчилари қардош Украина шаҳар-қишлоқлари бўйлаб саёҳатларини якунлашди. Мактабларда, билим масканларида уюштирилаётган учрашувлар, давра суҳбатлари дўстона мулоқотларга айланди, мураббийлик бобидаги тажрибалар ўртоқлашилди.

«Ўзбекистон ўқитувчиси-90» туркистик поезди қатнашчилари Молдавия жумҳуриятига ўтиш олдидан Украинанинг Руминия билан чегарадош вилоятида тўхтадилар. Бу вилоят Черновицкая ёки Шимолий Буковина, деб юритилади. Вилоятдаги 40 та мактабда украин, рус ва молдаван тилларида дарс ўтилади. Г. Жуков номли 35-ўрта мактабда ўтказилган учрашув меҳмон ва мезбонларда яхши таассурот қолдирди.

— Ўзбекистон ўқитувчиларининг диёримизга ташриф буюришганидан беҳад мамнунмиз, — дейди мазкур мактабнинг илмий ишлар бўйича мудири Ольга Ротай. — Ана шундай учрашув ва мулоқотларда ўқувтарбия ишларини янада яхшилаш, ёш авлодни ўйғун камол топтириш йўлида олиб борилаётган изланишлар, тўпланган тажрибалар атрофлича ўрганилади. Украинада миллий тилимизга давлат мақоми берилганидан кейин таълим-тарбия ишларини янги қўлланмалар асосида ташкил этишга тўғри келяпти. Хусусан, тажриба тариқасида олиб борилаётган беш кунлик ўқиш ўзини оқламаяпти, дейиш мумкин. Боиси, дарсларда узоқ ўтиришлар, мураккаб программа туфайли ҳафта охирига бориб болалар толиқиб қолишмоқда...

Ана шу учрашувда Тошкентнинг Сергели районидаги мактаблардан келган ўқитувчи-мураббийлар ўз тажрибалари ҳақида ҳикоя қилишди. Айни пайтда Украинадаги бу мактабда шоншуҳрат музейи ташкил этилгани меҳмонларга манзур бўлди. Умуман, мактабда ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси яхши йўлга қўйилган. Музейда маршал Жуковнинг ҳарбий кийими эҳтиёт сақланяпти. Дўстона учрашув мароқли оқшомга айланди. Қардошлар даврасида ўзбекча қўшиқлар янгради. Ўқитувчи Норқул Ризаев ижросидаги классик қўшиқларга мураббийлардан Турсуной Хидаева, Наима Акмаловаларнинг лапарлари қўшилди. Меҳмонларнинг «Калинка» қўшиғига мезбонлар ҳам рақсга тушдилар. Учрашув охирида қардошларга шарқона совғалар инъом этилди.

Энди «Ўзбекистон ўқитувчиси-90» поезди Молдавия жумҳурияти бўйлаб сафарини давом эттиради.

С. ЙЎЛДОШЕВА,
«Совет Ўзбекистони» муҳбири.

МУШТАРИЙЛАР ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги жумҳурият атамашунослик комитети шуни маълум қиладики, матбуот саҳифаларида, радио эшиттиришлар ва телекўрсатувларда атамалар турлича қўлланилмоқда. Уларни тартибга солиш масаласи атамашунослик комитетининг бўлим ва секцияларида шу йил 23—27 апрель кунлари муҳокама қилинади.

Турлича қўлланилаётган атамалар тўғрисидаги фикр ва таклифларингизни бизга маълум этишларингизни сўраймиз.

Манзилгоҳимиз: 700170, Тошкент шаҳри, Иброҳим Мўминов кўчаси, 9-уй. Жумҳурият атамашунослик комитети. Телефонлар: 62-55-05, 62-27-56.

Сиддиқа Маматовага «СССР илмий-инженерлик жамиятлари иттифоқи Ўзбекистон уюшмаси ҳузуридаги табиатда қувват-ахборот алмашинуви муаммолари бўйича жумҳурият қўмитасининг аъзоси» деган 21-шаҳодатнома берилиб, у экстрасенслар рўйхатидан ўрин олди.

• Мўъжизакор одамлар

КЎРИНМАС ҚУВВАТ СЕҲРИ

ЕКИ БИР АВЛОДДАН ЮЗ ЭЛЛИК ЙИЛ МОБАЙНИДА ДУНЕГА КЕЛГАН БЕШИНЧИ ҚИЗ ДОВРУҒИ

Сирасини айтганда, унинг бу рўйхатга ёзилиши осон бўлмади. Иттифоқ ва жумҳурият соғлиқни сақлаш муассасаларига кўп қатнади. Ўзидаги иқтидорни исботлаш учун елиб-югурди. Бироқ ланж жавоблар олди. Таъқибларга учради.

Ваҳолонки, мухлислари ундан баҳраманд бўла бордилар. Ўтган йил кузагида С. Маматова билан дафъатан учрашиб қолдик. Фарғоналик ҳамкасблардан бири «бугун тегишли сеанс олиши керак»лигини айтиб бизни ҳамроҳ бўлишга даъват этди. Қўқонга йўл олдик. Ўзбекистон районининг «Ўзбекистон» совхози. Хотамтой кўчасидаги уйларнинг бири олдида 3—4 енгил машина турарди.

— Опанинг уйи шу, — деди ҳамкасбим.

Навбат кутиб турганлар даврасига қўшилдик. Узуқ-юлуқ суҳбат давом этарди.

— Кечирасиз, ўзлари қаердан бўладилар? — сўраймиз навбатдагиларнинг биридан.

— Марғилондан.

— Бирон жойингиз оғрийдими?

— Ошқозоним. Опага учинчи келишим.

— Нафи борми?

— Ҳар сеансдан сўнг яхши ўзгариш сезяпман.

Даврамизга сипогина киши келиб қўшилди. У Охунбобоев районидан экан. Тиловолди Ғафуров деб таништирди ўзини.

— Ёшим 55 да. Биринчи гуруҳ ногиронман. Юрак астмаси, жигар касаллиги, ошқозон оғриғи билан турли жойларда ўн олти йил даволандим. Қон босимим ҳам ортди, — деди Т. Ғафуров. — Сиддиқахоннинг ҳузурига уч кун олдин оғир аҳволда келгандим, сеанс олганимдан кейин ўзимни жуда енгил ҳис қиляпман. Нафас қисиш қолди, қон босимим тушди.

Бешариқлик Эргашали Холмуродов бундай деди:

— Бир ярим йил мобайнида буйрагим яхши ишламай кўп жойда ётдим. Пенсияга чиқаришди. Опанинг доврўғини эшитиб, қатнай бошладим. Оз фурсатда катта наф кўрдим.

Ўзини Алиназар Иброҳимов деб таништирган йигит қизиқ воқеани ҳикоя қилди:

— Ўтган йили опадан сеанс олганимда ихлосим қайтган эди. У диванга мукка тушиб ётишимни сўради. Ётганимдан сўнг кафтларини баданимга тегизмай елкам ва белим узра юргиза бошлади. Аллақандай ғалати тафтни ҳис қилдим... Бир оздан кейин у менга жиддий тикилиб: «Юрагингиз бежороқ. Ҳозир олдини олмасангиз, кейин таъсирини кўрсатади», деса бўладими.

Тамом! Тарвузим қўлтиғимдан тушиб кетган эди. Чунки ниҳояти икки кун илгари навбатдаги тиббий кўрикдан ўтган ва мутлақо соғлом чиққан эдим. Юрагим ҳақида гап ҳам бўлмаганди. Орадан бир йил ўтди. Навбатдаги тиббий кўрик пайтида кардиограммани кўрган врач: «Юрагингизда ўзгариш бор... Салбий томонга...» деди. Эртасига эрталаб юрагимдаги ўзгаришлар ҳақида бир йил аввал огоҳлантирган Сиддиқа опанинг уйига келдим. Мана, кўриб турибсиз — соппасоғман...

Наманганлик Салоҳиддин Эргашев астма касаллигига йўлиққанди. Тўрт сеанс олиб дарддан фориғ бўлди. Фарғоналик Сабохон Рўзматова 1977 йилдан бўён юрак дарди билан касалхоналарга қатнади. Ётиб даволанди. Лекин Сиддиқахонга уч бор келганда ўзини енгил ҳис қила бошлади.

Сиддиқа Маматованинг мухлислари кўп. Уларнинг ҳаммаси ҳар ердан. Ленинградлик эр-хотин М. ва В. Пирятинскийлар мана бундай ёзишади: «Биз Сиддиқанинг олдига 1986 йили Ленинград шаҳридан келдик. Бир туркум кўрикдан кейин анча енгил тортдик. У оққўнгил, мулойим, маданиятли, ўз кучи ва ишини биладиган аёл. Ленинград профессорларидан фарқ қиладиган жиҳати унинг дарҳол диагноз қўйишидир».

Ҳа, одамлар ундан шифо топмоқда. Бироқ турғунлик даври одамларга саломатлик бахш этувчи шу мунис аёлнинг фаолиятига ҳам соя солишга уриниб кўрди. Юқори тиббий ташкилотлар ундаги иқтидорни ўрганишни пайсалга солаверди. Бу кураш ўн олти йил давом этди. Шу ўн олти йилда унинг ҳар бир куни таъқиб-таҳликада ўтди. Оқибатда оиласи билан бесаранжомликда уч марта яшаш жойини ўзгартирди. Унинг истеъдодидан наф кўрганлар кўпайган сари текшир-текширлар ҳам кучайди.

Лекин у тушкунликка тушмади. Бундай қилишга ҳаққи йўқ эди. Негаки, одамларни даволамасдан туролмасди. Унинг жисмидаги биоток кўпайиб кетганда аъзои бадани қақшаб ўзини қўярга жой тополмасди. Опанинг диагнозларида ҳақиқат бор. Унинг бармоқлари дардчил жойда муаллақ туриб қолганда, танадаги оғриқни олишдек сеҳрли тўлқинлар мавжудлигини одам яққол сезиб туради.

Сиддиқадаги ана шу нотабиий нур суяк сурган, ўтмиш аждодларидан мерос қолган, дейдилар.

— Бобом Саиднақибхон Бухоро мадрасаларида хатм қилган, — ҳикоя қилади Сиддиқа. — Уч-тўрт йил аввал 94 ёшда вафот этдилар. Эски ўзбек алифбосини тез ўргандим. Бўш пайтларимда бобомдан қолган эски китобларни мутолаа қиламан.

Ёшлигимда ўзимда аллақандай «телба» куч борлигини ҳис этардим. Баъзан теримга сиғмай кетардим, баъзан бор овоз билан бақиргим келарди. Шундай пайтларда қирга — тоғ ёнбағирларига чиқиб кетар, ов милтиғимни отиб-отиб ёзилардим. Айрим пайтларда баданим қизиб, тўлиб-тошганимда совуқ қиш кунлари бўлса ҳам устимдан пақирлаб муздай сув қуярдим. Шунда баданимдан енгил ҳовур кўтарилар ва ўзимни пича яхши ҳис қилардим.

Тўладан келган, бўғдойранг, хушрўй аёл шу сўзларни айтгач, сал тин олди. Сўнг вазмин, ҳатто хазин оҳангда ҳикоя қила бошлади. Маълум бўлишича, Сиддиқа тўнғич фарзанд кўрганда кўп қон йўқотди. Олти ой ётиб қолди. Уч литр қон қуйишди. «Ранг кўр — хол сўр» алпозда ётаркан, дадаси бор ҳақиқатни ошкор қилди.

...Сиддиқалар авлодида узоқ умр кўрганлар кўп бўлган. Катта бувиси 136 йил яшаган. Аждодлари тарихидаги қизиқ воқеа шуки, бобокалонининг Офтобхон исмли қизи бўлиб, у силаб-сийпаган аёллар турли касалликлардан тезда фориғ бўлиб кетганлар. Хон оғир касал бўлганда, Офтобхоннинг доврўғидан хабар топадилар, қизни хон ҳузурига келтиришади. У ҳали турмуш қурмаган қизалоқ бўлиб, номаҳрам эркак танасини силаб-сийпаш-дан бош тортади. Дарғазаб хон қатлга фармон беради.

Офтобхоннинг аламдан қон ютган отасию онаси «Етти пуштимизда қиз бўлмасин», дея нола қилишган. Дарҳақиқат, бу авлод 150 йил мобайнида бор-йўғи беш қиз кўрди. Буни қарангки, уларнинг бешинчиси Сиддиқа Маматова бўлиб, у ўзидаги биоток билан беморларни қўл теккизмай, даволаш усулини ўзлаштирди.

Ўтган йили биотокли аёлнинг ғаройиб фазилатлари текширилиб, бор ҳақиқат очиқ айтилди. Унга экстрасенс гувоҳномаси берилди.

Ж. ХОЛҚОСИМОВ.

• Назм дафтаридан

МАМОНТ ВА БУЗОҚБОШ

Олимлар айтурлар:
мамонт, бузоқбош
Ягона иқлимда дунёга келган.
Гарчи бири улкан,
бири митти бош
Ва лекин бирдайин ризқ учун елган.

Оламда бир қаҳр бўлдию содир,
Муҳит мос келмади —
йитди мамонтлар.
Тўғриси:
иқлимга мослашиб бир-бир
Яшаб кетолмади бу улкан зотлар.

Бузоқбош бўлса-чи,
бузоқбошилар
Мослашиб олдилар иқлимга шу он.
Судралиб бўлса ҳам яшамоқдалар
Ҳамон...

ҳамон...

ҳамон...

ОҚ ВА ҚОРА

Оқ булоқни изладим,
Қора булоқ дуч келди.
Қора булоқ сувидан ичдим, ёронлар,
Оқ булоққа етгунча.

Оқ дарёни изладим,
Қора дарё дуч келди.
Қора дарё бағрида чўмилдим, дўстлар,
Оқ дарёга ўтгунча.

Оқ тоғларни изладим,
Қора тоғлар дуч келди.
Қора тоғлар қучоғин кездим, ёронлар,
Оқ тоғларга кетгунча.

Оқ ва қора дунёни
Чаппор учиб айлангум,
Оқ шомлар тугаб, дўстлар,
Қора шомлар қучгунча...

ТУЮҚЛАР

Хат ёрлиқ қилдим мен — юрагим тутар,
Чироқ ёғдусига уни ёр тутар.
Бунчалар ўзини тутмаса фалак,
Бепарво — ишқини тиқинда тутар.
Уйларимдан воқиф, ўйламас аммо,
Беҳол беморига қачон сув тутар!
Фиғоним чақмоқдек чақнар самода,
Айланиб ғанимдек бўғзимдан тутар.
Ҳайҳот, пайванд қилган ниҳолим тутмас,
Ул маккор, жодугар ағёрим тутар.

Қисмат туртозидан, Азим, доғдамен,
Оҳларим, оҳ, энди оламни тутар.

* * *

Кўзларимга боқсанг эди бир сари,
Кўргинг эди: қандай у сари-сари.
Не жафолар қилдинг, нелар қилмадинг,
Ва, лекин, топмадим ҳеч сендин сари.

БИРИНЧИ ЎЗБЕК СОВЕТ ҲАЙКАЛТАРОШИ АБДУРАҲИМ ТУРДИЕВ (Муҳандис) ҲАҚИДА ЭЛ ТЕРМАЛАРИ

Кўкда қора қушлар-эй,
Бошдан учди ҳушлар-эй.
Бу уйқуга минг лаънат,
Ўнг келсин-а, тушлар-эй.

Гулдир-гулдир этмади,
Чархнинг иши битмади.
Келишдилар... Отани
Олиб кетди — қайтмади.

Бола боврин тилмадик,
Гуноҳи не, билмадик,
Уста Ота уйидан
Бир қадам ҳам жилмадик.

Эл йўли йўл эди-ку,
Қўллари гул эди-ку!
Юртим деди... Бошқаси
Бари бир пул эди-ку!

Тошларга берди сайқал,
Ленинга қўйди ҳайкал
Сарвар Файзулла Хўжа
Иззатлар эди ҳар гал.

Сичқон «мен фил», деди-я,
Кимдир бошин еди-я.
Муҳандиснинг барига
Ёлғиз сардор эди-я.

Мармар Товоқлар[1] қолди,
Кимлар талашиб олди.
Кўкка қараб жуфт наҳанг[2]
Оғзин очиб «дод» солди.

Моҳи Хоса саройин,
Очган эди чиройин.
Унда шерлар билишмас,
Отанинг кетган жойин.

Чашмалар бўйи толзор,
Кесишиб қилди мозор.
Билсак ўзи бу дунё,
Дунё эмас, бир бозор...

Аҳли Нурота йиғлар,
«Ота, ота...» деб йиғлар.
Исталинга «арз» кетди,
«Хато, хато...» деб йиғлар.

Кўкда қора қушлар-эй,
Бошдан учди ҳушлар-эй,
Уйинг куйсин, золимлар,
Тугил, тугил муштлар-эй!..

Азим СУЮН.

1—2— А. Турдиев ишлари назарда тутилмоқда.

ХАРИДОРГИР БУЮМЛАР

Қашқадарё область Китоб шаҳридаги халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш фабрикасининг кулолчилик цехида ўзбек миллий сопол идишлари ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилди. Бу ерда тайёрланаётган идишлар Туркманистон ССР, РСФСР ҳамда республиканинг қатор шаҳар ва қишлоқларига жўнатилиб турибди. Чунки улар харидорларнинг талаб ва диднга мослиги туфайли кўплаб харид қилинаётир. Бу ерда гултуваклар, лаган, кўза, коса ва чойнакларнинг бежирим хиллари ишлаб чиқариляпти.

Цехда кенг авж олган мусобақада Муқаддам Рустамова бошлиқ бригада аъзолари пешқадамлик қилишяпти. Улар ҳар ойда пландаги 9 минг дона ўрнига 9500 тадан ҳар хил турдаги сопол буюмларни тайёрлашга улгуришяпти.

Суратда: цехнинг моҳир рассоми Маҳсуда Йўлдошева иш устида.

Э. ҚУЛМУРОДОВ олган сурат.

• Инсон ва табиат

Конкурс якунланди

Ўзбекистон табиатни муҳофаза қилиш жамияти билан жумҳурият журналистлар уюшмаси «Инсон ва табиат» шиори остида ҳар йили ўтказадиган жумҳурият конкурсига якун ясалди.

«Қишлоқ ҳақиқати» — «Сельская правда» рўзномасининг редакцияси биринчи даражали диплом ва мукофот билан тақдирланди. «Правда Востока» ҳамда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» рўзномаларининг редакциялари коллективларига иккинчи даражали диплом ва мукофот берилди. «Ленин байроғи», «Ёш ленинчи» ва «Комсомолец Узбекистана» рўзномаларининг редакцияларига учинчи мукофот берилди.

Ўзбекистон ахборот агентлиги журналистларининг, «Совет Ўзбекистони», «Ҳақиқати Ўзбекистон», «Ўқитувчилар газетаси»—«Учитель Узбекистана», «Ленин учқуни», «Пионер Востока» рўзномалари редакцияларининг иши рағбатлантирувчи мукофотлар билан тақдирланди.

Журналларнинг редакциялари орасида «Иқтисодиёт ва турмуш» ижодий коллективига биринчи мукофот, «Фан ва турмуш» ва «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» — «Сельская хозяйство Узбекистана» журналларига иккинчи мукофот берилди. «Муштум» ва «Гулхан» журналларининг редакциялари учинчи мукофот билан тақдирландилар.

Вилоят рўзномалари орасида «Ташкентская правда» ҳамда «Советская Бухара» редакцияларининг коллективлари биринчи мукофот билан биринчи даражали дипломга эга бўлдилар. «Наманган ҳақиқати», Кашкадарьинская правда», «Хоразм ҳақиқати» рўзномаларининг редакцияларига иккинчи даражали мукофотлар берилди. «Сирдарьинская правда», «Тошкент ҳақиқати», Сурхондарё вилоятининг «Ленин байроғи», «Хорезмская правда», Самарқанд вилоятининг «Ленин йўли» рўзномаларининг редакциялари учинчи даражали мукофотлар билан тақдирландилар.

«Коммунист» (Андижон вилояти), «Ленинское знамя» (Сурхондарё вилояти), «Ленинский путь» (Самарқанд вилояти), «Бухоро ҳақиқати», «Ферганская правда», «Коммуна» (Фарғона вилояти) рўзномалари редакцияларининг иши рағбатлантирувчи мукофотлар ҳамда ёрлиқлар билан тақдирланди.

Шаҳар ва район рўзномалари орасида Шаҳрисабзда чиқадиган «Коммунизм байроғи» Қизилтепа районининг «Қизил тонг» рўзномаларининг редакциялари ғолиб бўлишди. Бу коллективларга биринчи мукофотлар ва биринчи даражали дипломлар топширилади. Янгиқўрғон «Меҳнат байроғи» район рўзномаси, Оржоникидзе «Коммунизм тонги» район рўзномаси, Булунғур район «Коммунист» рўзномаси ва «Тошкент оқшоми» шаҳар рўзномасининг ижодий коллективлари иккинчи мукофотга сазовор бўлдилар. Задарё район «Коммунизм йўли», Когонда чиқадиган «Коммунистик меҳнат учун»— «За коммунистический труд», Риштон район «Дўстлик байроғи», Бағдод районида чиқадиган «Авангард», Беруний районидаги «Пахтакор», Китоб районидаги «Ғалаба» рўзномаларининг редакцияларига учинчи мукофот ва учинчи даражали дипломлар берилди.

Марҳамат район «Оқ олтин» рўзномаси, Олтинсой район «Олтинсой тонги», Боғот район «Ленин йўли», Қўшкўпир район «Мўл ҳосил учун», Ургут район «Октябрь алангаси», Жонбой район «Шонли меҳнат», Ғиждувон район «Октябрь байроғи», Олтиариқ район «Пахта учун», Тўрткўл район «Коммунизм ғалабаси», Чироқчи район «Олға» рўзномалари редакциялари рағбатлантирувчи мукофотлар билан тақдирланди, уларга ёрлиқлар топширилади.

Олтинкўл районининг «Коммунистик меҳнат учун», Избоскан районининг «Пахтакор» рўзномалари, «Социалистический Чирчик», «Оҳангарон» рўзномалари, Денов районининг «Ғалаба учун», Свердлов районининг «Коммунизм тонги», Ленинград районининг «Янги Фарғона» рўзномалари редакциялари Ўзбекистон табиатни муҳофаза қилиш жамиятининг ёрлиқлари билан тақдирландилар.

Журналистлар ва табиат муҳлисларининг катта гуруҳи фаол тарғибот ишлари олиб борганлиги учун пул мукофотлари ҳамда турли даражадаги дипломлар билан тақдирландилар.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети ижодий коллективлари орасида республика радиосининг қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттиришлар бош редакцияси ва Ўзбекистон телевидениесининг илмий-оммабоп ҳамда ўқув программалари бош редакцияси ғолиблар, деб топилди. Ижтимоий сиёсий эшиттиришлар бош редакциясига ва «Ахборот» бош редакциясига иккинчи, чет эллларга эшиттириш тайёрлайдиган инглиз редакциясига ва кинокўрсатувлар бош редакциясига учинчи мукофотлар берилди. (ЎзТАГ).

Муҳаррир
Р. РАҲМОНОВ.

Реклама ва эълонлар

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ ОЛИЙ МАТЕМАТИКА КАФЕДРАСИ КАФЕДРАЛАР БЎЙИЧА

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ — 17 апрелда; САНОАТ ВА ГРАЖДАН ҚУРИЛИШ ФАКУЛЬТЕТИ — 16 апрелда;

АВТОМАТЛАШГАН БОШҚАРИШ СИСТЕМАЛАРИ ФАКУЛЬТЕТИ — 18 апрелда;

РАДИОЭЛЕКТРОНИКА ВА АВТОМАТИКА ФАКУЛЬТЕТИ — 20 апрелда;

КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ — 16 апрелда;

ГЕОЛОГИЯ-ҚИДИРУВ ФАКУЛЬТЕТИ — 16 апрелда;

НЕФТЬ ВА ГАЗ ФАКУЛЬТЕТИ — 17 апрелда;

САНОАТ ЭНЕРГЕТИКА ФАКУЛЬТЕТИ — 17 апрелда;

ИНЖЕНЕР-ҚУРИЛИШ ФАКУЛЬТЕТИ — 19 апрелда;

АРХИТЕКТУРА ФАКУЛЬТЕТИ — 21 апрелда;

ЭНЕРГЕТИКА ФАКУЛЬТЕТИ — 17 апрелда;

ОЛМАЛИҚ КЕЧКИ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ — 21 апрелда;

ЧИРЧИҚ КЕЧКИ ФАКУЛЬТЕТИ — 21 апрелда;

АНГРЕН КЕЧКИ УМУМТЕХНИКА ФАКУЛЬТЕТИ — 21 апрелда;

ЖИЗЗАХ ФИЛИАЛИ — 21 апрелда;

Белгиланган кунларда институтнинг барча факультет ва филиалларида қабул комиссияси аъзолари, мутахассис тайёрлайдиган кафедраларнинг профессор-ўқитувчилари, ишчи ёшларни ҳунар-техника билим юртлари мактаблар ва техникумларнинг битирувчиларини ҳамда барча ТошПИ билан танишишни хоҳловчиларни кутадилар.

Телефонлар: 41-13-51, 46-04-57, 46-80-96.

ТошПИ қабул комиссияси: 46-61-56.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА КАСБГА ЙЎЛЛАШ РЕСПУБЛИКА МАРКАЗИ

РСФСР КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРИДА ДОИМИЙ ЯШАШ УЧУН

ОИЛАЛАРНИ

ТАШКИЛИЙ РАВИШДА КЎЧИРАДИ

КЎЧИШНИ ХОҲЛАГАН ГРАЖДАНЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ҚУЙИДАГИ МУДДАТДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ.

— РЯЗАНЬ ОБЛАСТИГА — 1990 йил 18 майгача;

— КОСТРОМА ОБЛАСТИГА — 24 майгача;

— НОВГОРОД ОБЛАСТИГА — 1990 йил 7 сентябргача;

— КАЛИНИН ОБЛАСТИГА — 1990 йил 7 сентябргача.

РЯЗАНЬ ОБЛАСТИГА — 1990 йил 7 сентябргача.

КЎЧИРИШ УЧУН КАМИДА МЕҲНАТГА ЯРОҚЛИ ИККИТА АЪЗОСИ БЎЛГАН ОИЛАЛАР ФАОЛЛАШТИРИЛАДИ.

Кўчиш учун расмийлаштирилган оилаларга бориладиган жойга текинга етиб олиш ва ўзлари билан 2 тоннагача юкни бепул олиб кетиш ҳуқуқи берилади, бир йўла ёрдам пули тўланади, турар жой ёки квартира, ҳовлисида керакли бинолар бўлган томорқа берилади.

Янги кўчиб келганлар икки йил мобайнида квартира ҳақидан озод этиладилар.

РАСМИЙЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ЭТИЛСИН:

ШАҲАРЛАРДА — шаҳар, область ишга жойлаштириш марказлари ва аҳолини ишга жойлаштириш бюроларига;

НУКУС шаҳрида — ҚҚАССР республика марказига;

РАЙОНЛАРДА — ишга жойлаштириш бюроларига;

ТОШКЕНТ шаҳрида — Космонавтлар проспекти, 6-уй ва Привокзальная кўчаси, 30-уй ҳамда аҳолини ишга жойлаштириш район пунктларига.

1990 йил 16-25 апрель кунлари

ТОШКЕНТ ШАҲАР МАТЛУБОТ УЙИДА

1991 йилда маиший-хўжалик, уй-рўзғор, атторлик ва қурилиш жиҳозларини сотиш бўйича

ЖУМҲУРИЯТ **УЛГУРЖИ САВДО ЯРМАРКАСИ ЎТКАЗИЛАДИ**

Ярмарка соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди.

Манзил: метронинг «Ўзбекистон» бекати (2, 7, 14-троллейбуслар; 51-автобуснинг «Матлубот уйи» бекати.

Ўзбекистон ССР Савдо нозирлиги.

Ўзбекистон матлубот жамияти.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 14/IV да **Фауст** (18.00), 15/IV да **Гўзал Василиса** (12.00), **Чио-Чио-Сан** (18.00).

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 14/IV да **Келинлар қўзғолони** (19.30), 15/IV да **Нажот истаб** (19.30).

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 14/IV да **Гул ва Наврўз**, 15/IV да **Аршин мол олон.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 14/IV да **Майсаранинг иши, Фармонбиби аразлади** (17.00), 15/IV да **Майсаранинг иши, Фармонбиби аразлади** (17.00).

«Ўзбекконцерт»

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

1 май соат 19.00 да
2 май, соат 15.00 ва 19.00 да
Ўзбекистон ССР халқ артисти

НУРИДДИН ҲАМРОҚУЛОВ

иштирокида

«АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК!»

ЯНГИ КОНЦЕРТ ПРОГРАММАСИ ҚАТНАШАДИ: Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист

ГУЛЧЕҲРА ФОЗИЛЖОНОВА

Программани сўз устаси Машраб НАЗАРОВ олиб боради.

Касса соат 11.00 дан очиқ.

САННИРИ илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси етакчи инженер Т. У. Рўзиевга отаси

Урин РУЗИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Р.10024. № 87. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12